RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

QONUNCHILIK VA HUQUQ-TARTIBOT UCHUN

# POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 3-oktabr, shanba • №40(3830)

# ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар!

Қадрли устозлар!

Авваламбор, сизларни умумхалқ байрами – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Бугун сиз, азизларнинг – кўз нури ва қалб қўрини, бор билим ва тажрибасини ёш авлод тарбиясига бағишлаб, маърифат зиёсини таратиб келаётган фидойи инсонларнинг шаънига самимий тилакларимизни изҳор этишни ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламиз.

Ҳурматли ватандошлар!

Шу ойнинг бошида бутун халқимиз барчамиз учун энг улуғ ва энг азиз бўлган миллий байрамимизни – Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллигини катта завқ, ғурур ва ифтихор билан нишонлади.

Бундан 18 йил олдин халқимиз ўз тақдирини ўз қўлига олиб, асрлар давомида орзиқиб кутган эркинлик ва озодлигини қўлга киритиб, ўз олдига ҳеч кимдан кам бўлмайдиган мустақил демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, юртимизда тинч-осойишта ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаш каби улуғ ва эзгу мақсадларни қўйиб, ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўлини танлаб олди.

Ўтган йиллар мобайнида Ватанимиз эришган ютуқ ва марраларни сарҳисоб қилар эканмиз, тарихан қисқа бир даврда юртимизнинг, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора ўзгариб, чеҳраси обод бўлаётганини, иқтисодиётимиз янги босқичга кўтарилиб, тез суръатлар билан ривожланаётганини, турмушимиз, ҳаёт тарзимиз юксалиб бораётганини кузатиб, диёримизда яшаётган ҳар қайси инсон ўзи ва оиласи мисолида биз танлаб олган йўлнинг, қандай оғир ва машаққатли бўлмасин, нақадар тўғри эканини кундалик ҳаётида сезиб, унинг натижаларидан баҳраманд бўлиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш кераккки, биз ўз мақсадларимизга эришиш учун осон йўлни қидирмадик. Турли хил енгил-елпи маслаҳат ва зуғумларга берилмасдан, вазминлик ва қатъият билан эски тизимдан қолган асоратлардан воз кечиб, чуқур ўйланган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, биз учун бутунлай янги жамиятни бунёд этиш йўлида астойдил, бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилдик.

Авваламбор, ўз кучимиз ва имкониятларимизга суяниб, ер ости ва ер усти бойликларимиз, табиий захираларимизни халқимиз ва келажак авлодимиз манфаатлари йўлида оқилона ишлатдик. Жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиб, уларнинг техника ва технологияларини олиб келиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгитдан қуришга, давлат бошқаруви, иқтисод ва молия тизими соҳасида ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган янгиланиш ва ўзгаришларни амалга оширишга эришдик.

Мухтасар айтганда, қонунчилик тизими бўладими, ижро ва суд-ҳуқуқ тизимининг марказий ва ҳудудий бўғинларини шакллантириш бўладими, юртимизни ҳимоялаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш, халқимизнинг осуда ҳаётини мустаҳкамлаш масаласида давлатни давлат, жамиятни жамият қиладиган, замонавий тараққиёт учун сув билан ҳаводек зарур бўлган барча сиёсий-ижтимоий тузилмаларни яратдик.

Шу борада муҳим бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мамлакатимизда барпо этилган ана шу тузилмаларнинг тўлақонли фаолият юритиши, миллий манфаатларимизга хизмат қилиши учун уларни янгича фикрлайдиган, замон талабларига жавоб берадиган юксак малакали кадрлар билан таъминлаш, Ўзбекистоннинг мустақил давлат бўлиб шаклланиш даврида бизнинг олдимизда турган энг оғир, энг мураккаб, шу билан бирга, энг нозик масала бўлганини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.

Биз бошлаган ишларнинг давомчиси бўлган, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашдек ўта муҳим ва долзарб вазифа айнан сиз азизларнинг – минг-минглаб мактабларимизда, лицей ва коллежларимизда, олий ўқув юртларимизда фаолият кўрсатаётган фидойи ўқитувчи ва домлаларнинг зиммасига тушганини ва сизлар бу вазифани бутун борлиғингизни бағишлаб, катта масъулият билан адо этиб келаётганингизнинг аҳамияти ва моҳиятини бугун вақт ўтиши билан барчамиз тобора чуқур англаб етмоқдамиз.

Биз истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор бериб, бу масалани давлат сиёсати даражасига кўтариб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурини қабул қилганимиз ва ҳозирги вақтда уларни якунига етказиб, бу борада ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган мислсиз ишларни амалга оширганимиз, ҳеч шубҳасиз, Ватанимиз тарихида албатта сақланиб қолади.

Бу ишларнинг миқёси ва кўлами, даражаси ва моҳиятини ўзимизга тасаввур қилиш учун баъзи бир рақамларни олиб келишни ўринли деб биламан.

Биргина Мактаб таълимини ривожлантириш дастури доирасида сўнгги тўрт йил мобайнида 8 минг 500 та мактабда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, юртимизда 351 та мактаб биноси янгитдан барпо этилди, 2 минг 470 та мактаб биноси ва уларнинг муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси капитал реконструкция қилинди, 3 минг 607 та мактаб капитал, 2 минг 72 та мактаб эса жорий таъмирдан чиқарилди.

Айни пайтда мактабларимизни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий воситалар билан жиҳозлаш масаласида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буни физика, кимё, биология фанлари бўйича лаборатория хоналарининг сони 2004 йилга нисбатан уч баробардан зиёд, спорт залларининг сони эса 1,5 баробардан ортиқ кўпайгани ҳам тасдиқлайди.

Ҳақиқатан ҳам, ниҳоятда улкан, тарихий аҳамиятга эга бўлган ушбу Дастурнинг ижроси бўйича қарийб 1,5 триллион сўм маблағ сарфланганини инобатга оладиган бўлсак, ўтган қисқа давр мобайнида биз бу соҳада қандай катта қадам қўйганимиз яққол аён бўлади.

Ана шундай ишларимиз қаторида ўн икки йиллик узлуксиз таълим тизимини жорий этиб, вояга етган болаларимизни ҳаётга тайёрлаш, уларга касб-ҳунар ўргатиш мақсадида биз учун мутлақо янги бўлган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар тизимини ташкил қилганимиз мамлакатимизда ушбу соҳа ривожида алоҳида ёрқин саҳифани ташкил этади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига биноан юртимизда 1997 йилдан бошлаб ҳозирга қадар 2 триллион 368 миллиард 730 миллион сўм маблағ сарфлаб, 1364 та касб-ҳунар коллежи, 137 та академик лицей бунёд этганимиз барча узоқ ва яқин қўшниларимизнинг, жаҳон ҳамжамиятининг эътибори ва ҳавасини ўзига тортаётгани албатта бежиз эмас. Замонавий юксак талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган ана шундай таълим масканларини битириб, бугунги кунда ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, бошқарув, ижтимоий соҳалар ва бошқа жабҳаларда меҳнат қилаётган, эртанги кунга катта ишонч билан қараб яшаётган 1 миллион 446 минг нафар ёшларимиз бугунги ҳаётимизда юз бераётган беқиёс ўзгаришларнинг яққол далилидир.

Кейинги йилларда соҳада ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида қабул қилган қарорларимиз аввало педагогларнинг профессионал малакасини, уларнинг изланиш ва ташаббускорлик фазилатларини юксалтиришга, ўқув-тарбия жараёнининг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Муҳтарам дўстлар!

Мана шундай байрам кунларида биз мустақиллик йилларида ҳар қандай оғир синов ва қийинчиликларга қарамасдан, бошлаган ислоҳотларимизни изчил давом эттириш, юртимизнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишига эришиш йўлида қилган ишларимизга холисона баҳо берар эканмиз, бир фикрни таъкидлаб айтишни ўринли деб биламан.

Биз амалга ошираётган барча ўзгариш ва ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлайдиган, уларга улкан таъсир ўтказадиган ўта муҳим бир омил борки, у ҳам бўлса, шу заминда яшаётган одамларнинг дунёқараши, онгу тафаккури, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савияси, ижтимоий фаоллигининг юксалиши билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир.

Бутун жамиятимиз ҳаётини тубдан янгилашнинг асосий шарти ва гарови бўлмиш бу масалани ўз навбатида таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб ечиб бўлмаслигини чуқур англаган ҳолда, биз ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бу вазифани адо этиш учун бор куч-ғайратимиз, имконият ва салоҳиятимизни сафарбар этмоқдамиз ва келажакда ҳам бу масала доимий эътиборимиз марказида туриши шарт.

Бу хулосанинг яна бир тасдиғини бугун, дунё миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз чуқурлашиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолишга эришаётганимиз негизида айнан таълим-тарбия соҳасида амалга оширган ишларимиз мустаҳкам пойдевор бўлиб турганини кўриш, англаш қийин эмас.

Фурсатдан фойдаланиб, таълим соҳасининг оғир, айни пайтда шарафли юкини ўз елкасида кўтариб келаётган, менинг энг яқин маслакдош ва кўмакчиларим бўлган сиз, азиз муаллимларга халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришни ўз бурчим деб ҳисоблайман.

Сизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ҳеч қачон кам бўлманг, умрингиздан барака топинг, азиз устозлар!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон**
**Республикаси**
**Президенти**







## ЎЗБЕКИСТОН

## ҲАФТА ИЧИДА

**● 29 сентябрь куни «Туркистон» саройида Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга турли вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, таълим-тарбия соҳасида узоқ йиллар давомида самарали меҳнат қилган педагоглар, фаол ўқитувчилар, олимлар ва талаба-ёшлар таклиф этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.**

● Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида 1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан «Маърифат жонкуярларига таъзим» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

**● Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш бўйича Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан битимлар имзоланди.**

● Пойтахтдаги «Dedeman silk road» меҳмонхонасида Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган «Информтехника ва Промсвязь» компаниясининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда иштирок этган вазирлик, идора, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари ҳамда турли ташкилот ва йирик саноат компаниялари раҳбарларига «Информтехника» фаолияти ва унинг «Мини Ком» савдо белгиси билан тайёрланаётган, жаҳон коммуникация соҳасида муносиб ўрин эгаллаган маҳсулотлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

**● Наманган шаҳридаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда 58 та корхона ва ташкилот 1043 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Натижада 150 нафар иштирокчи доимий, 60 нафари эса мавсумий иш билан таъминланди.**

● Тошкент вилоятининг Паркент туманида йилига 90 миллион дона ғишт ишлаб чиқариладиган Ўзбекистон – Туркия – Буюк Британия «Asia ceramic story» қўшма корхонаси ташкил этилди.

**● Самарқанд шаҳрида «Самарқанд нонлари» деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан моҳир новвойлар иштирок этишди. Ҳайъат аъзолари ҳар бир иштирокчининг нон тайёрлаш усули ва йўлларига, унинг таъмига алоҳида эътибор бердилар.**

**ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

# МУЛОҚОТ САМАРАЛИ КЕЧДИ





Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Австрия Ички ишлар вазири ўринбосари Герберт Андерль бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Меҳмонларни республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, полковник А. Ибрагимов қабул қилди ва суҳбатлашди.

Мулоқот чоғида полковник А. Ибрагимов Ўзбекистон – Австрия давлатлари ўртасидаги глобал масалалар, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Ҳозирги даврнинг салбий ҳолатлари халқаро терроризм, диний экстремизм, гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний айланиши ва бошқаларга қарши кураш кучларни бирлаштириш, мустаҳкам алоқа қилиш ва муносабатларни кенгайтиришни тақозо этмоқда. Наркотиклар ишлаб чиқаришнинг кенгайиб бораётгани ва ёшларни ўз домига тортаётгани айниқса, ташвишли ҳолдир. Қўшни Афғонистондаги гиёҳвандлик моддаларини Европага етказиб беришда мамлакатимиз ҳудудидан транзит сифатида фойдаланишга уринилаётгани сир эмас. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан афгон героини ва опийси йўлига ғов қўйиш чоралари кўрилмоқда ва бу борадаги ишлар давом эттириляпти.

Ўз навбатида Герберт Андерль самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва икки давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасидаги ҳамкорлик бундан буён юқори даражада мустаҳкамланиб боришига ишонч билдирди. Бу – икки томонлама учрашув, семинар ва тренинглар пайтида мунтазам борада доимий ахборот янги технологиялар, ишланмалар, тажриба алмашишдан иборат эканлигини айтиб ўтди.

Самарали мулоқот давомида муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

ФАРМОН ВА ИЖРО

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

***БМТнинг Низомида ер юзидаги барча халқларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш мақсадида «Инсон ҳуқуқларига кишиларнинг ирқи, жинси, тили ва динидаги тафовутлардан қатъи назар ҳамманинг асосий эркинликларига ялпи ҳурмат билан қараш ва уларга риоя қилишга кўмаклашади», деб белгилаб қўйилган. Бундай қоида жаҳондаги давлатлар ўртасида халқаро муносабатларни ривожлантиришнинг стратегик йўлидир.***

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг биринчи босқичидаёқ Ўзбекистон Республикаси Парламенти инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясини расман тан олди. Бунинг исботи сифатида Асосий Қонунимизнинг муқаддимасидаёқ, Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлиги тантанали равишда эълон қилинди. Бунинг исботи сифатида Президентимиз Ислом Каримов 2008 йил 1 майда «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди. Бу муҳим ҳужжат талабларини амалга ошириш мақсадида республика ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармасида «Ички ишлар вазирлиги тизимида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари» мавзуида ўқув-семинар ўтказилди.

Тадбирни республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник С. Нурматов кириш сўзи билан очиб, вазирликда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган ишларга қисқача тўхталди ва ўқув-семинарни ўтказишнинг мақсади ҳамда вазифалари ҳақида гапирди.

Республика ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник И. Турғунов «Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари» мавзуида маъруза қилди. Шунингдек, ўқув-семинарда инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг халқаро бўлим мудири Д. Тўраев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг катта референти Ж. Исломов, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори маслаҳатчиси И. Файзуллин, ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосарлари, полковник А. Саттаров, полковник Б. Маматкаримов, ИИВ Бирлашган таҳририяти бош муҳаррири, полковник З. Неъматов ва бошқалар кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилдилар.

Ўқув-семинар ўзаро мулоқот тарзида ўтиб, иштирокчилар ИИВ тизимида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасини янада такомиллаштириш юзасидан фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбирда «Ички ишлар идораларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, давлат ташкилотлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва нодавлат ташкилотлар билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлиги» мавзуига бағишлаб ўтказилган анжуман материалларини ўз ичига олган китоб тақдимоти бўлиб ўтди. Шунингдек, республикада суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг амалга оширилишига бағишланган «Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш босқичлари» ҳамда ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси фаолияти акс этган «Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият» номли видеодисклар тарқатилди.





Семинар сўнгтида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фаол иштирок этаётган бир гуруҳ ходимлар республика Ички ишлар вазирининг Фахрий ёрлиғи ва ноутбук компьютерлари билан мукофотландилар.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**

**Суратларда: *ўқув-семинардан лавҳалар.***

**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**

МИННАТДОРЧИЛИК

# ПОСБОНЛАРИМИЗГА РАҲМАТ!

Шу йил 17 сентябрь тунги соат иккилар чамасида овулимизда яшовчи 42 ёшли Жунус Атабеков қайнукаси Тўрахон Амансоатов билан ўзаро келишмовчилик оқибатида келиб чиққан жанжални, тинч йўл билан ҳал қилиш ўрнига ўқ отар қурол билан муомала қилади. Натижада оилали, икки фарзанднинг отаси бўлмиш қариндошига тан жароҳати етказади. Жавобгарликдан қўрққан почча ўқ отар қурол билан воқеа жойидан яширинади. Бу хунук хабар бутун овул аҳлини ташвишга солди. Чунки, жавобгарликдан қутулиб қолиш учун қилмишини яширишга ҳаракат қилаётган жиноятчи ҳар қандай тубанликлардан қайтмаслиги мумкин эди. Шу боис тезда ички ишлар ходимларига хабар бердик.

Вазиятни чуқур ҳис қилган осойишталик посбонларининг туну кун олиб борган тезкор-қидирув ишлари кутилгандай самара бериб, 3 кун ичида жиноятчи қўлга олинди. Уни қўлга олиш ва зарарсизлантиришда фидойилик намуналарини кўрсатган Тўрткўл туман ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркибига, хусусан ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили, лейтенант Бахтиёр Абдуллаев, ҳудуд профилактика инспектори, катта лейтенант Турсунбой Қодиров, ВЕОҲООГ инспекторлари, лейтенантлар Бахтиёр Алиев, Баҳодир Юлдашев, профилактика инспекторлари катта лейтенант Шамшиддин Қутлимуратов, лейтенантлар Орифжон Қосимов, ва Дилшод Худойбергановларга овул аҳли номидан миннатдорчилик билдирамиз.

**Тўрткўл тумани «Ёнбошқалъа» овул фуқаролар йиғини фаоллари номидан Баҳодир ҚОДИРОВ.**

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ПОСБОНЛИГИДА

# ХИЗМАТГА СИДҚИДИЛДАН ЁНДАШУВ САМАРАСИ

***Андижон вилояти ички ишлар идоралари ходимлари эл-юрт осойишталиги ва жамоат тартибини сақлаш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш мақсадида туну кун самарали фаолият кўрсатишмоқда. Бу борада олиб борилаётган ишлар ҳамда эришилаётган муваффақиятлар ҳақида бошқарма бошлиғи, генерал-майор Бахтиёр СИДДИҚОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.***

– Бугунги кунда ҳар бир ички ишлар идорасида замон талабидан келиб чиққан ҳолда янгиланиш ва ўзгаришлар, илғор иш услубларини жорий этиш жараёни кечмоқда. Ўз халқининг тинчлиги, осойишталигини таъминлаш йўлида фидойилик намуналарини кўрсатиб келаётган кўплаб ички ишлар ходимларини ўрнак қилиб кўрсатиш мумкин. Улар нафақат касбга бўлган садоқати, балки топширилган вазифага сидқидилдан ёндашиши, камтарлиги, қатъийлиги, ўзи ва атрофидагиларга талабчанлиги билан ажралиб туришади. Ички ишлар ходимига хос бўлган бундай фазилатлар, том маънодаги маънавий етуклик ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, профилактик тадбирлар ва хизмат самарадорлигига ижобий таъсир этмоқда.

Шу ўринда аҳолидан келаётган мактублар диққатга сазовор. Фуқаролар ҳуқуқ-тартибот посбонларининг юксак касб маҳорати, хизмат бурчига садоқати ва кўрсатаётган беминнат ёрдами учун миннатдорчилик билдиришмоқда. Бу эса ички ишлар ходимларининг халқ кўнглига йўл топиб, уларнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлаётганини кўрсатиб турибди.

Таъкидлаш жоизки, жиноятчилар ўз қилмишлари фош бўлмаслиги учун турли найранглар ўйлаб топиб, имкон қадар жиноят изларини яширишга уринишади. Аммо сергак, ўз касбининг устаси бўлган ички ишлар ходимлари уларнинг пайини қирқиш учун бор билим – маҳоратларини ишга солишаяпти. Бу борада бўлинмаларнинг моддий-техника базаси мунтазам мустаҳкамланиб, такомиллашиб бораётгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирда эксперт-криминалистлар замонавий асбоб-ускуналар, компьютер жамламалари билан таъминланган. Ходимлар ўз фаолиятида «АДИС СОНДА» маълумотлар базасидан унумли фойдаланишаяпти. Улар нафақат вилоятлардаги ҳамкасблари, балки МДҲ давлатлари ички ишлар идоралари ходимлари билан ҳам яқин алоқа ўрнатишган.

Айни пайтда ички ишлар идоралари кўпроқ ёшлар билан жамланаётгани туфайли кадрлар тарбияси ва ўқуви катта аҳамият касб этмоқда. Биз тарбиявий ишларни хизмат самарадорлигини оширишга йўналтираяпмиз. Шу маънода маънавий-маърифий тадбирлар, айниқса, ходимларнинг ота-оналари билан учрашувлар ташкил этилаётгани яхши натижа бераяпти. Ёшлар етарли назарий билимга эга бўлишса-да, уларда ҳали амалий кўникма етишмайди. Буни инобатга олиб, улар ички ишлар соҳасида узоқ вақт ишлаб, тажриба орттирган устозларга бириктириб қўйилмоқда.

Жойларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлашда профилактика инспекторларининг ўрни ғоят каттадир. Зеро, мазкур соҳа вакиллари доимо одамлар орасида, ҳар дақиқада уларга кўмак бериш, қўллашга ҳозиру нозир. Бугунги кунда вилоят ҳудудида 284 та милиция таянч пункти мавжуд бўлиб, ушбу масканларда 400 нафар профилактика инспектори фаолият кўрсатмоқда. Улар фуқаролар йиғинлари фаоллари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйишган. Улар фаолияти тўғрисида айрим мисолларни айтиб ўтмоқчиман.

Профилактика катта инспектори, капитан А. Сўпиевга Андижон туманида яшовчи М. Бурҳонова ёрдам сўраб, мурожаат этади. У эрта тонгда Учқўрғон кўчаси бўйлаб бораётганида олдидан икки кимса чиқиб қолиб, улардан бири юзига туюлган мурч сепиб, иккинчиси сумкасини юлиб қочганини маълум қилади. Аёлнинг айтишича, талончилар ўзларини кутиб турган «Тико» русумли автомашинага ўтириб. жўнаб қолишади. Сумканинг ичида тилла буюмлар, 29 миллион сўм пул ва уяли телефон бор экан.



Асака тумани ИИБ ҲООБ 70-милиция таянч пункти профилактика инспектори, лейтенант Зокиржон Отахонов хизмат пайтида.

Капитан А. Сўпиев кун давомида ушбу жиноятни содир этган гумондорларнинг шахсини аниқлашга муваффақ бўлди. Шу тариқа вилоят марказида яшовчи уч йигитча қўлга олинди. Улардан бирининг уйидан жабрланувчига тегишли сумка топилди. Гумондорларнинг шериги – «Тико» машинаси ҳайдовчиси ҳам ушланиб, жиноий иш қўзғатилди.

Ёшлар, шу жумладан, вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилаётгани айниқса ташвишлидир. Тупа-тузук хонадонда яшаётган ўсмир нега жиноятга қўл урмоқда? Бунинг сабаби нимада? У жиноят кўчасига қандай ўй-хаёл билан кирди? Бу каби саволлар ҳар бир кишини ўйга толдиради.

Шу йил июнь ойида Андижон шаҳар ички ишлар бўлимига 2-миттитумандаги кўп қаватли уйлардан бирида яшовчи икки нафар аёлнинг оғир тан жароҳати етказилган ҳолдаги жасади топилгани ҳақида хабар тушди. Ўлдирилганларнинг бири хонадон соҳибаси, иккинчиси эса шу уйда ижарада турган қиз эди. Уй эгасининг опаси жиҳозларни кўздан кечираётиб тилла тақинчоқлар ва маълум миқдорда пул ўмарилганини маълум қилди. Тезкор-тергов гуруҳи аъзолари ваннахонадан ювиб, тозаланган иккита пичоқ топишди. Улардан бири – ошпичоқ хонадонга тегишли эканлиги кўриниб турарди. Иккинчисини эса жиноятчилар пичоқ ясаб сотадиган ҳунармандлардан сотиб олган бўлиши мумкин эди. Изқуварлар турли тахминлар бўйича фикр-мулоҳаза билдиришганда шубҳа икки ёш ҳамтовоққа тушди. Шулардан бири вояга етмаган эди. Тезкор тадбирлар чоғида йигитлар қўлга олинди. Улардан бирининг ёнидан ҳаётдан кўз юмган аёлнинг узуги топилди. Дастлабки тергов пайтида ушбу жиноятда иштирок этган яна бир йигит аниқланиб, ушланди.

Воқеа тафсилоти ҳақида тўхталиб ўтсак, ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган бу ёшлар аёл уйида катта миқдорда пул ва тилла тақинчоқлар сақлайди, деган хаёлда жиноятга қўл уришади. Улар ярим тунда хонадонга бостириб киришади ва уй эгасига пичоқ уриб ўлдириб, ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилишади. Бунинг устига ана шу хонадонда ижарада турган қиз келиб қолади. Газандалардан бири гувоҳ қолдирмаслик мақсадида ошхонада турган ошпичоқни олиб, унинг ҳам жонига қасд қилади.



Вилоят ИИБ жанговар шуҳрат музейида.



Яқинда ишга туширилган яшаш ва иш жойи ноаниқ бўлган шахсларни реабилитация этиш маркази биноси.

Ички ишлар ходимларининг маҳорати, ўз касбига садоқати ва топширилган ҳар бир вазифага масъулият билан ёндашиши туфайли бу каби жиноятлар «иссиқ изида» фош этилмоқда.

Ўтган йили ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрами арафасида жанговар шуҳрат музейи тантанали равишда очилди. Бошқарма ҳудудида илгари ҳам музей бор эди. Аммо бу музей фақат ички ишлар идоралари ходимлари учун бўлиб бу ерга ҳамма ҳам кира олмасди. Музей бошқа жойга кўчирилиб, қайта жиҳозлангач экспонатлардан барча хоҳловчилар баҳраманд бўла бошлади. Ҳозиргача кўплаб андижонликлар, вилоятимиз меҳмонлари, талабалар, мактаб ва коллежларнинг ўқувчилари бу ерга келиб, маънавий озуқа олишди. Уларнинг барчаси Андижон милицияси тарихи билан танишиш имкониятини яратган музей ташкилотчиларига чуқур миннатдорлик билдиришади.

Мустақиллигимизнинг 18 йиллик байрами арафасида вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ яшаш ва иш жойи ноаниқ бўлган шахсларни реабилитация этиш маркази тантанали равишда очилди. У махсус лойиҳа асосида барпо этилган бўлиб, айни пайтда хоналар янги мебель ва компьютер техникаси билан таъминланган. Бу ерга келтирилган фуқаролар шахси аниқлангунча ушлаб турилиши учун барча шароитлар мавжуд. Марказнинг аввалгисидан фарқи, барча ходимлар ўз хизмат хонасига эга. Икки қаватли бинонинг биринчи қаватида навбатчилик қисми, тиббиёт хонаси, душхона ва яшаш жойининг тайини бўлмаган шахсларни вақтинча ушлаб туришга мўлжалланган хоналар бор. Иккинчи қаватдан хоналар, шунингдек, тренажёрларга эга бўлган спорт зали, ўқув синфи, маънавий-маърифий сабоқ бериладиган кенг ва ёруғ зал ўрин олган. Ҳовлида эса ошхона жойлашган. Келгусида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган устахоналар қурилиши кўзланмоқда.

Кейинги пайтда кинология хизмати сезиларли даражада ривожланди. Тўрт оёқли кўмакчилар ёрдамида ўндан ортиқ турли жиноятлар фош этилгани бунинг тасдиғидир. Бунга «Хизмат итлари питомниги» моддий-техника базасини яхшилаш орқали эришилмоқда. Бўлинма автотранспорт, алоқа воситалари билан таъминланган. Зотдор хизмат итларини кўпайтириш учун зарур маблағ ажратилаяпти. Ёз фаслида туғруқхона, жарроҳлик блоклари, карантин вольерлари, итлар билан машқ ўтиладиган майдончалар қурилиши ниҳоясига етди. Яқинда ўтказилган республика кўрик-танловида вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати «Хизмат итлари питомниги» фахрли ўринни эгаллади.

2006 йили ИИБ ППХ ва ЖТСБ бўлинмасида отлиқ отряд ташкил этилган эди. Вақт ўтиши билан ушбу отряд оммавий-маданий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилаётганда жамоат тартибини сақлаш, ўрмон ва тоғли ҳудудларда профилактик ишлар олиб боришда жуда қулай эканлиги билан хизматда жуда қўл келмоқда. Ходимлар тунлари вилоят маркази кўчаларида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш юзасидан патруллик қилишади. Муҳими, отряд аъзолари саноқли дақиқаларда кўрсатилган манзилга етиб боришади.

Вилоятимизга МДҲ давлатлари ва чет эллардан ташриф буюраётган сайёҳлар, меҳмонлар йилдан-йилга кўпайиб бораяпти. Хорижликлар кўпроқ тарихий ёдгорликлар, музейлар, Буюк Ипак йўли ўтган жойлар билан қизиқишади. Ўз автомашинасида келган меҳмонлар йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларидан керакли манзилга қандай борилишини сўрашади. Бундай пайтда хорижий тиллар ва рус тилини билмайдиган инспектор қийин аҳволга тушиб қолиши мумкин. Шуни инобатга олиб, ўзбек ва рус тилларида кундалик мулоқот сўзлашгичи чоп эттирдик. Бундан ташқари, бошқармада ходимларга рус тили ўргатилаяпти. Шунингдек, инглиз тили бўйича курс ташкил этилиши режалаштирилган.

Бошқарма тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини юксалтиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Бундан икки йил олдин «Динамо» ЖТСЖ спорт-соғломлаштириш мажмуи фойдаланишга топширилган эди. Бугунги кунда бу ерда шахсий таркиб билан жисмоний тарбия машғулотлари ўтказилмоқда. Каратэ, бокс, қўл жанги, волейбол, футбол секциялари ишлаб турибди. Хоҳловчилар бўш пайтида тренажёр залида шуғулланиши мумкин. Бундан ташқари, болалар спорт тўгаракларига ўнлаб ходимларнинг фарзандлари ва яқин атрофдаги маҳаллаларда яшовчи болалар жалб этилган. Вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаётган футбол жамоамиз бор.

Ҳозирда кўплаб ички ишлар ходимлари пахта мавсумида иштирок этаяпти. Улар жамоат тартибини сақлаш, халқ мулки талон-тарож бўлишининг олдини олиш ва ҳосил қабул пунктларига ташилаётганда нобудгарчиликка йўл қўймаслик учун бор имкониятларни ишга солишаяпти. Вилоятимиз қўшни давлатлар билан чегарадош бўлганлиги боис, у ёқдан турли ёвуз ниятли кишиларнинг суқилиб кириб халқимиз тинчлиги бузилишини олдини олиш мақсадида, ҳарбийларимиз ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратяпмиз.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар ходимларининг зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган. Улар тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш, қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун бор имкониятларни ишга солавередилар.

**Суҳбатни Борис КЛЕЙМАН ёзиб олди.**

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# МАРДУ МАЙДОН ЎҒЛОН

***Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида мамлакатимиз Президентининг Фармонига кўра Сурхондарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони махсус отряди милиционер-ҳайдовчиси, сержант Абдураззоқ Ворисов «Жасорат» медали билан тақдирланди.***

Абдураззоқ ёшлигидан ички ишлар ходимларининг либосига ҳавас қиларди. Мактабда «Ким бўлсам экан?» мавзуида иншо ёзганида дилидаги гапларни тўкиб солган эди. Бола қалбидаги олижаноб туйғулар муаллимини илҳомлантирарди. Ўз вақтида устозлари унинг ўқиши, тарбиясига алоҳида эътибор беришди. Шу туфайли ҳам Абдураззоқ мактабни битириб, Термиз шаҳридаги ҳайдовчилик курсига борди. Сўнг ҳарбий хизматга йўл олди.

Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган Абдураззоқ бироз ўзи туғилиб ўсган Термиз туманидаги «Намуна» ширкат хўжалигида ишчи, кейинчалик 165-қурилиш трестида оператор бўлиб ишлади. Лекин ички ишлар ходими бўлиш орзуси унга тинчлик бермасди. Кунларнинг бирида кўчада синфдошини учратиб қолган Абдураззоқ суҳбат чоғида у ички ишлар ходими бўлиш истагида ҳужжат тўплаб юрганини билиб, ўзи ҳам ҳаракатга тушди. Ҳарбий хизматда жисмоний ва жанговар тайёргарликдан ўтган, маънавий етук Абдураззоқ Ворисов вилоят ИИБ ҳузуридаги ўқув марказининг тингловчиси бўлди.

Ўқув курсини тугаллаган Абдураззоқ ички ишлар идораларидаги хизмат фаолиятини вилоят ИИБ ЖТСХ жамоат тартибини сақлаш бўлими алоҳида ротаси милиционери лавозимида бошлади. Мазкур рота ходимлари олдида вилоятда осойишталик ва хавфсизликни таъминлаш чоғида ҳаракатларни мувофиқлаштириш вазифаси турарди. Шу туфайли улар туну кун жисмоний ва жанговар тайёргарлик билан машғул эди.

Узоқ давом этган ўқув-амалиёт машқлари, айниқса, оғир тоғ шароитида ҳаракатланишдан сўнгги-на йигитлар вазифа моҳиятини тушуниб етишди. Вилоятнинг Сариосиё ва Узун туманлари тоғли ҳудудларида бўлиб ўтган махсус операциялар чоғида Абдураззоқ кўп марта ўта муҳим вазифаларни



бажариб, бурчга садоқатини кўрсатди. Оғир синовларни бошидан кечирган ва хизмат вазифасини бажариш чоғида мардлик, жасорат кўрсатган Абдураззоқ Ворисовни 2003 йилда бошқарма ППХ ва ЖТСБ патруль-пост хизмати батальони 2-отрядининг гуруҳ командири лавозимига ўтказишди. Эндиги хизмат асосан тунги вақтга тўғри келарди. Тунда эса эл оромини бузувчилар, ўғри ва безориларга қарши курашиш лозим эди. Уларни жиловлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, осойишталикни таъминлаш учун эса посбон сергак, кўркмас, эл-юрт осойишталиги учун чинакам фидойи бўлмоғи лозим эди. Буни Абдураззоқ фаолиятининг дастлабки кунларидан чуқур ҳис этганди. У тунги патруллик чоғида кўплаб ҳуқуқбузарлар билан юзма-юз келишига тўғри келди.

...Олинган тезкор маълумотга кўра тадбиркор Қ. Насибанинг сумкаси ва уяли телефонини номаълум шахс ўғирлаб кетади. Ўша ҳудудда хизмат вазифасини ўтаётган А. Ворисов ҳам қидирув ишларига жалб этилди. Қидирув-суриштирувлар ўз натижасини берди. Тадбиркорнинг сумкаси, телефони ҳамда пулини ўғирлаган Х. Т. ашёвий далиллар билан қўлга олинди. Бир мунча вақт олдин Термиз тиббиёт коллежининг 3-босқич талабаси Т. Шуҳратга нисбатан номаълум шахс томонидан талончилик жинояти содир этилганди. Жиноятчи қаршилик кўрсатган талабага қўлидаги пичоқ билан тан жароҳати етказиб, воқеа жойидан қочиб кетади. Босқинчини ушлаш осон кечмайди. Сержант А. Ворисов ва унинг ҳамкасблари бу ишнинг уддасидан чиқдилар.

Сержант Абдураззоқ Ворисов хизмат фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бугунги кунда у бошқарма ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлаш бўйича махсус отряди милиционер-ҳайдовчиси. Содир этилган турли кўринишдаги жиноятларни очишда кўрсатган жасорати билан ёш ходимларга намуна бўлди.

Вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони шахсий таркиби асосан ана шундай марду майдон ўғлонлардан иборатлиги қалбларни ғурурга тўлдиради.

**Эркин ТЎЛЯЕВ.**
*Сурхондарё вилояти.*

# МЎЙНОҚНИНГ ФИДОЙИ ПОСБОНИ

***Дўкон деворига суяниб, пиво ичаётган соқолли кишига ҳеч ким эътибор бермасди. Ҳатто сотувчи ҳам унинг анчадан бери шу зайлда ўтирганидан ҳайратланмади. Аммо лейтенант Азат Акимниязов уни безовта қилди.***

– Тинч пиво ичишгаям қўймайсизлармі, – тўнғиллади соқолли киши.

Тезкор суриштирувлар чоғида мазкур шахс Тожикистон Республикаси фуқароси эканлиги, одам савдосини амалга ошириш учун ҳамтовоқларини кутаётгани маълум бўлди. Шу тариқа бир жиноятнинг олди олинди.

Ярим тунда бозордан унча узоқда бўлмаган дўконнинг эшиги бузилиб, анчагина уяли телефонлар изсиз йўқолди. Сотувчи аёлнинг телефонлар русумини аниқ билиши жиноят очилишида жуда қўл келди. Бу борада лейтенант Азат Акимниязовнинг кузатувчанлиги ва сезгирлиги ҳам асқотди. Қўнғирот деҳқон бозорида сотувчи деҳқонлар билан пичирлашиб, ҳар замонда атрофга қараб қўнаётган шахснинг хатти-ҳаракатлари унда шубҳа уйғотди. Холислар иштирокида Нурлан исмли бу фуқаро текшириб кўрилганда ёнидан Олтин Жанабаеванинг хусусий дўконидан ўмарилган уяли телефонлар топилди. Бундай мисолларни Мўйноқ тумани ИИБ ҲООГ профилактика инспектори, лейтенант Азат Акимниязов фаолиятидан кўплаб келтириш мумкин.

Қўнғирот туманида туғилиб, вояга етган Азат ҳарбий хизматдан кейин осойишталик посбони бўлишга аҳд қилди. У илк фаолиятини 1991 йил Самарқанд шаҳар ИИБда бошлади. ИИВ Академиясининг сиртқи факультетига ўқишга кирган Азат уни муваффақиятли тугатди. Орадан беш йил ўтгач хизматни Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСБ тизимида давом эттирди. Кейинчалик Қўнғирот тумани ИИБ вақтинча ушлаб туриш ҳибсхонасида ишлади. Шу йилнинг баҳоридан бошлаб эса Мўйноқ туманининг Тикўзек, Шағирли, Шеге, ва Парлитав овуллари профилактика инспектори вазифасида ишламоқда. Мазкур ҳудудда 1200 дан зиёд оила истиқомат қилади. Овулларнинг оралиқ масофаси ўртача 20–25 километрни ташкил этади.

– Ҳозирги техника тараққий этган даврда бу муаммо туғдирмайди. Овул раҳбарлари, фаоллар билан ҳамкорлик яхши самара бериб, йилнинг ўтган даврида биронта жиноят қайд этилмади. Эртанги кундан умиди катта бўлган бу заҳматкаш элнинг ишончини қозониш ва оқлаш учун бор имкониятларни ишга солаяпман, – дейди профилактика инспектори, лейтенант Азат Акимниязов.

Унинг кўпчиликка ибрат бўладиган ҳаёт йўлига нафақат ҳамкасблари, балки маҳалладошлари ҳам ҳавас қилишади. Турмуш ўртоғи Гулистон Қаражанова билан бир ўғил ва икки қизни тарбиялаб, вояга етказмоқда. Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги байрами арафасида бу хонадонга яна бир қувонч кирди. Президентимизнинг Фармонига кўра лейтенант Азат Акимниязов "Шуҳрат" медали билан мукофотланди.

**Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.**
*Қорақалпоғистон Республикаси.*

СОҲА ФИДОЙИЛАРИ

# ЁШ БЎЛСА-ДА, КЎПГА БОШ

**Ҳар бир инсоннинг орзу-умидлари болалигидан бирга тетапоя бўлади, куртак ёзади. Вояга етгач, у қатъий ният, умр мазмунига айланади. Фарғона тумани Хонқиз қишлоғида туғилиб, вояга етган Баҳромжон ҳам оддий тенгдошлари каби маҳаллада тўп ўйнаб юрганида ширин ўйлар юрагига сиғмасди. Бўлажак ҳуқуқ-тартибот посбони улғайган сари умр аталмиш неъмат инсонга бир марта берилиши, имкон қадар кўпроқ бошқаларга фойда келтириш, эзгу ишлар қилиш зарурлигини англади.**

Бугунги кунда Қувасой шаҳрида турли миллат ва элат вакиллари осуда ҳаёт кечирмоқда. Шаҳарда 29 та умумтаълим мактаби, 4та касб-ҳунар коллежи, 29 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашда ҳудудда фаолият кўрсатаётган 9 та милиция таянч пунктининг ўрни катта бўлаяпти.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетига сиртдан ўқишга кирган Баҳромжон Зокировда ёшлигидан ички ишлар ходими бўлиш орзуси бор эди. Интилганга толе ёр, деганларидек барваста, мунтазам спорт билан шуғулланиб юрган йигитни Тошкент вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимига ишга қабул қилишди. 2005 йилдан Фарғона вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ тизимида инспектор лавозимида фаолият кўрсата бошлади. Орадан уч йил ўтгач эса профилактика инспектори этиб тайинланди.

– Мен фаолият кўрсатаётган 87-милиция таянч пункти Ҳамид Олимжон, Мирзо Улуғбек ва Усмон Юсупов номли маҳаллаларга хизмат кўрсатади, – деди Б. Зокиров. – Аҳолининг 1700 нафардан ортиғини 16 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Шунинг учун эътиборни кўпроқ вояга етмаганлар тарбиясига қаратяпмиз. Профилактик тадбирларни ўтказишга маҳалла фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, маҳалла посбонлари яқиндан ёрдам беришмоқда. Шунинг учун ҳудудимизда 2009 йилнинг олти ойи мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ҳуқуқбузарликлар сезиларли даражада камайди. Ҳудуд тинчлигини таъминлаш учун келажакда ички ишлар идораларида хизмат қилиш истагида бўлган ёшлардан иборат тинги гуруҳлар тузганмиз.

Маҳалла тинч – юрт тинч. Шу кеча кундузда катта лейтенант Баҳромжон Зокиров юксак касб маҳорати, фидойилик билан ўз хизмат ҳудудидаги масканлар осойишталигини таъминлаб, эл олқишига сазовор бўлмоқда.

**Мирзоҳид АБДУЛЛАЕВ.**
**Абдувосит СИДДИҚОВ.**
*Фарғона вилояти.*

ҲАМКОРЛИК

# ҲАМКОРЛИКДАГИ ҲАРАКАТЛАР

***Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ИИББ ҳамда фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари томонидан олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқдир. Зеро, бу борадаги кенг кўламли тадбирларни фавқулодда вазиятлар бошқармаси авария-қутқарув, сувда қутқарув гуруҳлари, ИИББ профилактика ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ҳамкорлигисиз тасаввур этиш қийин.***

Фавқулодда вазиятлар билан боғлиқ бирор кўнгилсиз ҳодиса рўй берса ФВБ тезкор навбатчилик қисмига фуқаролардан ташқари, ички ишлар идораларидан тушган мурожаатлар ҳам инобатга олиниб, ижобий ҳал этилмоқда. Айниқса, сувда қутқарув гуруҳи ғаввосларининг хизматидан ибрат олса арзийди. Сирғали тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи "Чортоқ" каналидан шахси номаълум 55-60 ёшлар чамасидаги эркак кишининг жасади сувдан олиб чиқилиб, туман ИИБ тезкор-тергов гуруҳига топширилди.

Пойтахтнинг Октепа майдони орқали оқиб ўтувчи анҳорга енгил автомашина тушиб кетгани тўғрисида ички ишлар ходимлари хабар берган заҳоти зудлик билан воқеа жойига етиб борган қутқарувчи-ғаввослар оқ рангли «Нексия» машинасини қирғоққа олиб чиқишди. Машина ичидан икки фуқаронинг мурдаси топилди. Улар спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда машинага ўтиришгани аниқланди.

Худди шунга ўхшаш воқеа илгари Тошкент вилоятининг Қибрай тумани ҳудудида ҳам рўй берганди. Ички ишлар идораси томонидан қидирувда бўлган, анча вақтдан бери бедарак йўқолган Ю. П. ва Р. Ф. лар излаб топилиши ва шу ҳолат юзасидан жиноий иш очилиши керак эди. Қутқарувчи-ғаввослар бу вазифани осонлаштириш мақсадида Қибрай тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи "Бўзсув" каналида қидирув-қутқарув ишларини олиб бордилар. Натижада хорижда ишлаб чиқарилган "БМВ" русумли енгил автомашина юкхонасидан юқорида номлари зикр этилган шахсларнинг жасадлари топилди.

Тошкент шаҳар ФВБ тезкор навбатчилик қисмига кўпроқ профилактика инспекторлари ва ЙПХ ходимлари қўнғироқ қилишади. Мурожаатлар асосан сув билан боғлиқ кўнгилсиз воқеалар ёки йўл-транспорт ҳодисаларига оид техноген тусдаги фавқулодда вазиятларни ташкил этади. Ана шу ҳамкорликнинг самараси ўлароқ, авария-қутқарув ва сувда қутқарув гуруҳи ходимлари йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида автомобиль ичида қолиб кетган ҳайдовчи ёки йўловчиларни бир неча марталаб машина салони ичидан олиб чиқиб, касалхонага жўнатишган. Шунингдек, ўнлаб инсонларни сувдан қутқариб, уларнинг ҳаётини сақлаб қолишга эришганлар.

Ҳамкорлик фақатгина юқорида ҳолатлардангина иборат эмас. Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси ҳамда фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари ўртасида қўмондонлик-штаб машқлари, махсус тактик-ўқув машғулотларини ўтказиш, оммавий тадбирларда фаол иштирок этиб, хавфсизликни таъминлашда ҳам яқин алоқалар йўлга қўйилган.

**Азамат СУЮНОВ.**



# ҚОНУН – ҲУҚУҚ КАФОЛАТИ



## «ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ШАРҲ

**13-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари муносабати билан аён бўлиб қолган маълумотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилмаслиги**

**Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек давлат сири ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ҳисобланган маълумотлар ва агар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини камситадиган бўлса, бошқа ахборотлар давлат органлари ходимлари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.**

Мурожаатга тааллуқли бўлмаган, фуқаронинг шахсига доир маълумотларни суриштириб билишга йўл қўйилмайди.

Фуқаронинг илтимосига биноан унинг шахсига доир бирон-бир маълумот ошкор этилмаслиги керак.

Фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилиши вақтида уларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларнинг ёки давлат сири, хизмат сири ёхуд ҳарбий сирлар ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларга оид маълумотларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказадиган ўзга ахборотларнинг, фуқароларнинг розилигисиз давлат органлари ходимлари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди. Қонуннинг мазкур талабларини бузган айбдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддасида жавобгарлик белгиланган.

«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасига мувофиқ, жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборотлар тоифасига киради. Фуқаронинг шахсий ҳаётига доир маълумотлар жумласига унинг шахсини айнанлаштириш имконини берадиган, шахсий ҳаётига доир фактлар, ҳодисалар ва ҳолатлар, яъни оилавий аҳволи, қариндош-уруғлари тўғрисидаги маълумотлар, қариндошлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, фуқаронинг ўтмиши ҳақидаги маълумотлар, шунингдек ёзишмалари, телефондаги сўзлашувлари, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирлари киради. Шарҳланаётган модда мазмунига кўра, ана шундай маълумотлар давлат органлари томонидан мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида фуқароларнинг розилигисиз ошкор қилинса, айбдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилади.

Шарҳланаётган Қонуннинг 6-моддасида белгиланган фуқароларнинг мурожаатларида кўрсатилиши лозим бўлган маълумотлардан ташқари мурожаатга тааллуқли бўлмаган, фуқаронинг шахсига доир маълумотларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди ва бу, ўз навбатида, фуқаронинг шаъни, қадр-қимматини камситишга сабаб бўлиши мумкин.

Танқид руҳида ёзилган мурожаатлар, жиноий қилмишлар, турли ҳуқуқбузарликлар, камчиликлар ҳақидаги мурожаатларнинг муаллифлари ҳақидаги маълумотлар сир сақланиши керак. Акс ҳолда мурожаати муносабати билан фуқаролар таъқибга учраши, уларнинг ҳаёти ёки соғлиғи, шунингдек оила аъзоларининг ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолиши мумкин. Шикоят билан мурожаат этувчидан ўч олиш ёхуд унинг қонуний манфаатларини чеклаб қўйиш ҳоллари юз беришининг олдини олиш мақсадида мурожаат муаллифи ҳақида унинг розилигисиз ахборот берилмайди. Шу сабабли қонунчиликда мурожаат этувчи ҳақидаги маълумотларни ошкор қилганлик учун юқорида қайд этилган жавобгарлик белгиланган.

**14-модда. Фуқароларнинг мурожаат этиши муносабати билан уларнинг хавфсизлиги кафолатлари**

**Фуқароларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органларига мурожаат этганликлари учун таъқиб қилиш ман этилади.**

Фуқаролар ўзлари ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида муайян давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан ариза ёки шикоят билан мурожаат қилишлари мумкин. Бунинг оқибатида эса хатти-ҳаракати танқид қилинган мансабдор шахс томонидан фуқаролар ёки уларнинг оила аъзоларини таъқиб қилиш эҳтимоли бўлади. Фуқароларда ана шундай хавотирнинг мавжудлиги пировард натижада мансабдор шахсларнинг ғайриҳуқуқий ёки ноқонуний фаолиятларини фош қилиш имкониятини берадиган танқидий мурожаатларнинг камайиб кетишига олиб келиши мумкин. Бундай негатив анъана фуқаролик жамиятига ётдир. Шу ва шу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун қонун ҳужжатларида фуқароларнинг хавфсизлиги кафолатлари белгиланган. Чунончи, фуқаронинг давлат органларига мурожаат қилганлиги ёки мурожаатда баён этилган танқид, шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун мансабдор шахс томонидан таъқиб қилиниши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-модда 2-қисмида назарда тутилган жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган жиноят тўғрисида хабар берган ва гувоҳ сифатида ишга жалб этилган фуқароларнинг хавфсизлиги суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан таъминланиши шарт. Бундай қоида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 270-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Шарҳланаётган Қонуннинг 13-моддаси шарҳида батафсил ёритиб берилганидек, фуқаронинг мурожаатига дахлдор бўлмаган унинг шахсига тааллуқли маълумотларни ошкор этишга йўл қўйилмаслиги ҳам фуқаролар хавфсизлигининг ўзига хос кафолатидир.

***(Бошланиши ўтган сонларда. Давоми бор).***



# ДАЪВО АРИЗАСИ



**● Даъво баҳосини белгилаш қийин ҳолларда нима қилинади?**

Даъво тақдим этилган вақтда унинг баҳосини белгилаш қийин бўлса, давлат божининг миқдорини судья дастлабки тарзда белгилайди ва кейинчалик ишни ҳал қилиш чоғида суд белгилаган даъво баҳосига мувофиқ, божнинг кам қисми ундирилади ёки ортиқча олинган қисми қайтарилади.

**● Суд харажатларини, жумладан давлат божини тўлашдан кимлар озод этилади?**

Давлат божини тўлашдан озод қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 329-моддасига кўра қуйидагилар умумий юрисдикция судларида давлат божини тўлашдан озод қилинади:

а) даъвогарлар:

— иш ҳақини ундириб олиш тўғрисидаги даъволар ва меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа талаблар юзасидан;

— муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқлардан, шунингдек ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номига, селекция ютуғига бўлган ҳуқуқдан келиб чиқадиган даъволар юзасидан;

— алиментлар ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

— меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланганлиги, шунингдек боқувчиси вафот этганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

— ноқонуний ҳукм этиш, жиноий жавобгарликка тортиш, маъмурий жазо бериш туфайли жисмоний шахсга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ низолар юзасидан;

— жиноят туфайли етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

— ўрмон дарахтларини ўзбошимчалик билан кесиш ҳамда ўрмондан фойдаланиш, ўрмонни қўриқлаш ва муҳофаза қилишнинг тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузиш туфайли ўрмон фондига етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

б) жиноят туфайли етказилган моддий зарарнинг ундириб олиниши тўғри ёки нотўғри эканлиги низолашилаётган жиноят ишлари бўйича апелляция ва кассация шикоятлари билан мурожаат қилган шахслар;

в) никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ бўлмаган ишлар бўйича апелляция ва кассация шикоятлари билан мурожаат қилган шахслар;

г) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилинишини сўраб судга ариза билан мурожаат этган юридик ва жисмоний шахслар;

д) юридик ва жисмоний шахслар:

— жиноят ишлари ва алиментлар ундиришга доир фуқаролик ишлари билан боғлиқ ҳужжатларни уларга берганлик учун;

— суднинг ишни тугатиш ёки уни кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримини бекор қилиш тўғрисидаги ариза бўйича;

— суднинг ҳал қилув қарори ижросини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ариза бўйича;

— даъвони таъминлаш ёки даъвони таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш тўғрисидаги ариза бўйича;

— суднинг янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарорини, ажримини ёки қарорини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза бўйича;

— суд томонидан белгиланган жаримани бекор қилиш ёки камайтириш тўғрисидаги, суднинг ҳал қилув қарори ижросини ўзгартириш тўғрисидаги, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза бўйича;

— суд ижрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар юзасидан, суднинг жаримани бекор қилиш ёки камайтириш рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан хусусий шикоятлар ҳамда суд ажрими устидан бошқа хусусий шикоятлар юзасидан;

е) тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний мафаатларини бузадиган давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда;

ж) истеъмолчилар-ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ даъволар юзасидан;

з) товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари; истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари — истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб қўзғатилган даъволар юзасидан;

и) нодавлат нотижорат ташкилотлари-ўз ҳуқуқлари ва қонуний мафаатларини бузаётган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда;

к) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, шунингдек уларнинг муассасасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари — барча даъволар юзасидан;

л) хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари — мажбурий бадалларни киритиш ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича қарзни ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

м) хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари, шунингдек фуқаролар тузилган шартномалар шартлари аҳолига уй-жой-коммунал хизматлари кўрсатувчи корхоналар томонидан бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

н) ундирувчи ёки суд ижрочиси — қарздорни ёки унинг мол-мулкини қидириш бўйича харажатларнинг ўрнини қарздор томонидан қоплаш тўғрисидаги ишлар юзасидан.

**● Суд харажатларини тўлашда суд фуқаронинг мулкий аҳволини ҳам ҳисобга оладими?**

Суд фуқаронинг мулкий аҳволига қараб,уни давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини тўлашдан озод қилиши мумкин.

Суд тарафларнинг мулкий аҳволига қараб, улардан бирининг ёки иккаласининг давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини тўлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлашга йўл қўйиши, шунингдек бу харажатларнинг миқдорини камайтириши мумкин.

Бунинг учун судга ариза бериш, аризага тегишли ҳужжатларни, масалан, иш ҳақи тўғрисида маълумотнома, вояга етмаган болалари борлиги тўғрисида, нафақада эканлиги тўғрисида маълумотнома ва ҳоказоларни илова қилиш керак.

***(Бошланиши ўтган сонларда. Давоми бор).***

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*Келгуси ҳафта учун*

### ҚЎЙ



Ҳафтанинг биринчи ярмида уйдагилар ва яқин қариндошлар билан боғлиқ муаммоларга тезда аниқлик киритиб олишга ҳаракат қилинг. Ҳафта ўртасида кўп ишлашга тўғри келади. Ишчанлик, масъулиятлиликни намоён этиш муносиб тақдирланади. Ҳафта охирига бориб ўз саломатлигингиз учун қайғуриб, даволанишга вақт ажратинг. Шахсий муносабатларда яқин кишингиз манфаатларини ҳам ҳисобга олиш лозимлигини унутманг.

### СИГИР



Ҳафта фаол муносабатлар, янги мақсадлар билан бошланиши кутиляпти. Шахсий ҳаётда янгича йўл очилиши, кўплаб янги ва қизиқ ахборотлар олишга имконият бўлади. Ўзаро муносабатларни барқарорлаштириш учун ҳафтанинг ўртаси қулай. Турли кечалар, кўнгилочар тадбирлардан узоқроқ юрган маъқул. Ҳар хил гапларга эътибор бермасдан кундалик ишлар билан шуғулланишни маслаҳат берамиз.

### ЭГИЗАКЛАР



Юлдузлар ҳафта бошида қўшимча даромад олиш имкони туғилишидан дарак бермоқда. Ишда фаоллик, тезкорлик кўрсатиб, тақдирланиш, совға, ютуқлар олишингиз мумкин. Ҳафта ўртасида уй-рўзғор юмушларини бажаришга вақт ажратишни маслаҳат берамиз. Курилиш, таъмирлаш ишларини бажаришга қулай имкон туғилади. Ҳафта охирида бирор мақсадни кўзлаб ҳаракат қилмасангиз, ишларингиз юришмай қолиш эҳтимоли бор.

### ҚИСҚИЧБАҚА



Ҳафтанинг биринчи ярми янги билим ўрганиш, тажриба ўтказиш, ихтироңи синаб кўриш учун қулай. Ҳафта ўртасида ишбилармонлик юзасидан мулоқот учун имкон туғилади. Ҳафта охирида сафарга, саёҳатга чиқмаганингиз маъқул. Яхшиси ўз хавфсизлигингиз, ҳақида қайғуринг. Саломатлик ҳақида ўйлаш ҳам эсдан чиқмасин.

### АРСЛОН



Турли сирли, махфий нарсаларни фош этиш имкони бўлади. Бироқ бунда кўп тер тўкиш, тажриба, билимни ишга солиш, фаол ҳаракат қилиш талаб этилади. Даромад ва харажатларни таҳлил қилиш ва режалаштириб олишни маслаҳат берамиз. Бу моддий аҳволни яхшилаш имконини беради. Кераксиз харажатлардан воз кечиш керак. Оилавий, маиший масалаларни ҳал этиш учун вақт ажратишни маслаҳат берамиз.

### БОШОҚ



Дўстона алоқалар нисбатан шиддатли тус олиши кутиляпти. Янги дўстлар, уларнинг умр йўлдошлари билан танишиш, давранни кенгайтириш имкони бўлади. Ҳафтанинг ўртасида айрим жиддий масалалар ечимини топиши мумкин. Яқинларингизнинг эркин юришига халақит берманг, аммо назоратни қўлдан бой берманг. Ҳар қандай шароитда ҳам келишмовчилик, жанжал келиб чиқишига йўл қўйманг.

### ТАРОЗИ



Мақсадга эришиш учун ишга ижодий ёндашиш лозим бўлади. Одатдаги, эски, маълум йўлдан бормай, янгиликка интилиб, имконият топишга ҳаракат қилинг. Эришган муваффақиятдан эсанкираб қолмай, куч-қувватни тўғри йўналтира билиш керак бўлади. Ҳафта охирида асосий эътиборни саломатликка қаратишни маслаҳат берамиз. Янги танишлар, учрашувлар бўлиши, ижодий ишларда фаоллик кутилмоқда.

### ЧАЁН



Юлдузлар бир неча масала ва муаммоларни ҳал этиш учун қулай ҳафта бўлишидан дарак бермоқда. Янги танишувлар ўзаро муносабатларнинг ривожланишига катта имконият яратиши мумкин. Дўстлар билан ҳамкорликда янги лойиҳалар тузиш ва иккиланмасдан амалга ошириш учун жиддий киришиш мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмида дам олиш, хотиржам бўлиб, куч-қувват тўплаш учун вақт ажратинг.

### ЁЙ



Ҳафтанинг биринчи ярми замонавий технологиялар ёрдамида хавфсизликни таъминлаб олиш мумкин. Мақсад, орзу сари интилиш, имкониятларни ишга солишга ҳафтанинг ўртасида киришган маъқул. Дўстлар билан мулоқот, суҳбат қуриш, янгилик ва ахборотлардан бохабар бўлишга имкон яратилади. Молиявий масалаларни ҳал этиш, битимлар тузиш мумкин.

### ТОҒ ЭЧКИСИ



Шахсий ва иш юзасидан айрим масалаларни ҳал этиш учун ҳафтанинг биринчи ярми қулай бўлади. Муаммо ва қийинчиликларни очиқчасига айтаверинг, қўллаб-қувватлайдиганлар топилади. Билим олишга ҳаракат қилинг. Худбинликка берилмасдан очиққўллик қилсангиз турли келишмовчиликлар, жанжалларнинг олдини олиш мумкин бўлади. Саломатлигингизни сақлаш учун қулай имкониятлардан фойдаланинг.

### ҚОВҒА



Ишчанликни намоён этиш вақти етди. Меҳнатсеварлик кишини атрофдагилар ўртасида мавқеини ошириши, соғлом турмуш тарзини яратишга яна бир бор амин бўласиз. Ҳафта ўртасида инвестиция ва кредит билан боғлиқ масалани ҳал этишга тўғри келади. Оқилона иш тутиб, тўғри режалаштириш орқали харажатларни камайтириш йўлини топа оласиз. Ҳафта охири дунёқарашни кенгайтириш учун қулай бўлади.

### БАЛИҚ



Ҳафта бошида кутилмаганда ижодий талант ва имкониятни намоён этиш мумкин бўлади. Шахсий ҳаётда ҳам кутилмаганда яхшиликка дуч келасиз. Муносабатлардан тўла фойдаланиш имконияти ҳам бўлиши кутиляпти. Ҳафта охирида ҳушёрликка жиддий эътибор бериш лозим. Худбинлик қилмай яқинларингиз, қариндош-уруғларга меҳр-мурувват кўрсатиб, беморлар ҳолидан хабар олишни маслаҳат берамиз.

# ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

## ДУШАНБА, 5 ОКТЯБРЬ

**«O'zbekiston»**

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Иқлим».
07.05 «Изҳор».
07.15 ТелеТеатр: «Етти фарёд».
07.50 «Олтин мерос».
08.00 «Таҳлилнома».
08.40 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
09.40 «Болалар дунёси».
10.00 «Типратикан ва қуён». М/ф.
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «КиноТеатр».
11.40 2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Қишлоқ шифокори».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
13.00 Миллий кино: «Ёдгор».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ватанпарвар».
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Ер сайёраси».
15.50 «Саломатлик дастури».
16.15 «Бир кун».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Ҳаёт ва қонун».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
18.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Хива гиламлари».
19.00 «Камолот остонаси».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». (рус).
20.00 ТВ - анонс.
20.05 Т/с «Туташ тақдирлар».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
20.50 ТВ - анонс.
21.00 «Ахборот».
21.30 «Буюк аждодларимиз».
21.55 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.40 «Иқлим».
22.45 «Нейрохирург». Т/с.
23.30 «Олам ва одам» дастури: «Табиат мўъжизалари».
23.55 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

00.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 «Ватанпарвар».
00.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Хива гиламлари».
00.55 ТВ - анонс.
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.30 «Маънавият» дастури.
03.30 «КиноТеатр».
03.55 ТВ - анонс.
04.00 «Ахборот».
04.30 ТелеТеатр: «Етти фарёд».
05.05 «Икки дарё оралиғида».
05.25 «Буюк аждодларимиз».
05.50 Тонгги наволар.

**«Yoshlar»**

06.55 Дастурнинг очилиши.
07.00 «Салом, ёшлар!»
08.00 Т/с «Мафтуна».
08.45 «Ўзбегим бешиги».
09.00 «Илҳом қанотлари».
09.05 «UzEX».
09.10 «Шерюрак». Т/с.
09.55 «Тафаккур чироғи».
10.00 «ДАВР». Ҳафта якуни.
10.30 «Даврнинг боласи».
10.40 «Миллий мультфильм».
10.50 «Болалар илҳоми». Ф. Лист ижодидан.
10.55 «Чашма».
11.00 «Мўъжизавий дунё».
12.20 «Кўнгил боғи». Т/с.
13.00 «Камолот хабарлари».
13.10 Футбол. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати. Гуруҳ босқичи (Такрор)
14.45 «Қишлоғимга хат».
14.50 «Олтин тупроқ».
15.00 «Салом, ёшлар!»
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Мультипанорама».
16.30 Биология дарси. «Микрооламлар».
16.40 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқ тараққиёти».
17.00 «Инсон психологияси».
17.30 «Ўткинчи дунё». Б/ф. 1-қисм.
18.50 «UzEX».
18.55 «Билим ва тафаккур».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Кўнгил боги». Т/с.
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Уйдирма ва ҳақиқат» (рус тилида)
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.50 «Кўнгил».
22.00 «Давр».
22.30 «Табассум қил!»
22.50 «Тошкент илҳомлари».
23.00 Футбол. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати. 1/8 финал ўйини (Тўғридан тўғри эфир)
01.00 «Юрт тинчлиги».

**«Тошкент»**

07.30 «Салом, Тошкент!»
08.30 «Қизиқувчан маймунча». М/ф.
09.50 «Карвонсарой».
10.00 «Анонс».
10.05 «Кин-дза-дза». Б/ф 1-2-сериялар.
12.15 «Пайшанба ҳолвалари». Т/ф.
12.35 «Саргузаштлар ороли».
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
15.00 «Пойтахт».
15.25 «Куз эртаги». Т/с.
16.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф.
17.10 «Аёл қалби».
17.30 «Ҳуқуқшунос маслаҳати».
17.35 «Қундуз амакининг ҳикоялари». М/ф.
17.45 «Карвонсарой».
17.55 «Телекурьер-маркет».
18.20 «Тошкентнинг илм масканлари».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.50 «Саломат бўлинг». (рус).
20.00 «Пойтахт». (рус).
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.
21.00 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.30 «Пойтахт».
21.55 «Телекурьер-маркет».
22.25 «Императрица и воины». Х/ф.

**«Sport»**

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
8.35 «Малахов +».
9.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
10.05 «Дангасалар шаҳарчаси». Болалар учун мультсериал
10.30 «ПрофРИНГ».
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Баркамол авлод».
18.30 «Хабарлар» (рус)
18.50 «Футбол шарҳи».
19.20 Футбол. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати. 1/8 ФИНАЛ.
21.20 «Хабарлар»
21.45 Гандбол. Ўзбекистон мустақиллиги кубоги.
22.50 Футбол. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати. 1/8 ФИНАЛ.
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**ТВ-МАРКАЗ**

07.00 Ўзбек наволари
08.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
08.30 Ўзбек наволари
09.00 Концерт
11.30 Х/ф «На крючке»
13.40, 16.30, 19.00 Ўзбек наволари
14.20 Prime time (рус)
14.30 «Премьера» (рус)
15.00, 18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ»
17.30 «Топ-10»
21.00 Сериал «ПРИТВОРЩИК»
22.00 «ВЕЧНОЕ СИЯНИЕ СТРАСТИ» худ. фильм
00.00 Миксер

**«ЎзНТТ»**

06.30 «Асрлар садоси»
07.00 Тонгги мусиқий бекат
07.30 «Парламент соати»
07.50 «Суғдиёна» аёллар кўрсатуви
08.00 «Яхши кайфият»
08.30 Болалар соати: «Янги авлод»
09.00 «Ёшлар» студияси кўрсатуви
09.30 «Пуштиранг пантерра» б/ф
11.00 «Кутилмаган томоша»
11.10 Ҳужжатли фильм
11.35 Ҳудудий телестанциялар лойиҳалари
11.45 «Тарона»
12.15 «Бизнес репорт»
12.30 «Денгиз аждаҳоси» т/с
13.00 «Йўқотилган йиллар» т/с
13.30 «Ҳижрон» т/с
14.00 Кўнгил наволари
14.30 «Доктор Дулиттл» б/ф
15.55 «Икки қалъа» б/ф (1-қисм)
17.00 «Асрлар садоси»
17.30 Болалар соати: «Янги авлод»
18.00 «Ёшлар» студияси кўрсатуви
18.30 «Тарона»
19.00 Ҳужжатли фильм
19.30 «Адашганлар қисмати» х/ф
19.55 «Азия-лото»
20.30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури
20.50 «Суғдиёна» аёллар кўрсатуви
21.00 «Ҳижрон» т/с
21.30 «Бизнес-репорт»
21.45 Кечки мусиқий бекат
22.00 «Йўқотилган йиллар» т/с
22.30 «Яхши кайфият»
23.00 Кечки кинозал: «Виждон» б/ф
00.30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури

СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ САБОҚ

# ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА САЙЛОВ ТИЗИМИ

***Ижтимоий-сиёсий, илмий мулоқотда «Сайлов – демократия кўзгуси» дея эътироф этилади. Дарҳақиқат, сайловларнинг адолатли ташкил этилиши ва амалга оширилиши, фуқароларнинг мазкур сиёсий жараёнда фаол иштирок этишлари, ўз вакилларига эркин, қонуний тарзда овоз беришлари, сайловлар натижасида парламентда ҳамда вакиллик органларида муносиб номзодларнинг мандатга эга бўлишлари мамлакат ҳудудида демократиянинг шаклланганлигини, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги, маданиятининг юксаклигини ифода этади.***

Ўзбекистон Республикаси ўн саккиз йиллик мустақиллик даврида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлгани каби, сиёсий-ҳуқуқий соҳаларда ҳам тараққиётга замин бўла оладиган ютуқларни қўлга киритди. Хусусан, мамлакатимизда адолатли сайлов тизими ва сайлов қонунчилиги яратилди, сайловларни амалга оширишда салмоқли тажрибага эришилди.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистонда сайлов жараёнларини ҳуқуқий тартибга солувчи қуйидаги қонунлар қабул қилинди: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида», «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида», «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида» ҳамда «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидандир.

Мазкур қонунларда сайлов тизими ва унинг мазмун-моҳияти, сайлов тизимининг асосий тамойиллари, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, сайловларни ташкил этиш, ўтказиш, овоз бериш натижаларини аниқлаш, фуқароларнинг сайловлардаги иштироки, сайлов ҳуқуқининг кафолатлари, сайловларни молиялаштириш ва шу каби ўта муҳим масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш мезонлари белгиланди.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигини шакллантиришда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган нормалари, хусусан, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро пакт, «Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция, «Эркин ва адолатли сайлов мезонлари тўғрисида»ги Декларация, «Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда демократик сайловлар ва сайлов ҳуқуқ ва эркинликларининг стандартлари тўғрисида»ги Конвенцияга асосланилмоқда. Шунингдек, илғор тараққий этган мамлакатларнинг сайлов амалиёти чуқур ўрганилиб, таҳлил этилган ҳолда уларнинг бой тажрибаси ҳамда сайлов қонунчилигининг ибратли намуналаридан фойдаланилмоқда.

Мамлакатимизда сайлов қонунчилигини такомиллаштиришда юқоридаги мезонлар билан бир қаторда, халқимизнинг ўзига хос менталитети, ижобий анъаналари, бетакрор қадриятлари инобатга олинмоқда, бой маънавий-маданий меросига таянган ҳолда иш олиб борилмоқда. Зеро, фуқароларимиз сайловларда Президентимиз таъкидлаганидек: «Ўзларининг эзгу орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш, юртимизнинг тинчлиги, Ватанимизнинг тараққиёти учун овоз берадилар».

Жамият ҳаётидаги ижтимоий воқеликлар узлуксиз ривожланиб, ўзгариб бориши сайлов жараёнларини, айниқса, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб боришни тақозо этади. Шу боис, фуқароларнинг сиёсий жараёнларда, давлатни бошқаришда қатнашувини таъминлайдиган ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериш зарур. Чунки, ҳокимиятга бўлган муносабат, давлат бошқаруви, вакиллик органларини шакллантириш тартиби доимо янгиликларни, ўзгаришларни талаб этади. Фуқароларнинг сайлов жараёнларига муносабатини ижобий томонга ўзгартириб бориш, уларнинг сайлов тўғрисидаги билим ва кўникмаларини муттасил ривожлантириб бориш ҳар бир ривожланиш босқичидаги каби ҳозирги модернизация даврида ҳам ўз аҳамиятини ошириб бормоқда.

Маълумки, 2008 йил 25 декабрда Президентимиз томонидан «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни имзоланди. Қуйида мазкур қонун ва унинг ижтимоий аҳамиятига эътибор қаратамиз.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт қонуниятидан келиб чиққан ҳолда сайловга оид муносабатларни тартибга солувчи бир қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу табиий тадрижий жараён бўлиб, у бир томондан, мамлакатимизда рўй бераётган муҳим таркибий демократик ўзгартиришларнинг натижаси бўлса, иккинчи томондан, бу жараённинг ўзи Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат ҳамда жамият қурилиши соҳасидаги демократик ислоҳотларнинг бориши ва мазмунига таъсир кўрсатмоқда.

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши билан амалдаги Конституция ва ўн учта қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Биринчи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасининг биринчи қисмида ўз ифодасини топган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сони 120 дан 150 нафарга кўпайтирилди. Келгусида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 135 нафари ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Қонунчилик палатасининг қолган 15 нафар депутати Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади. Бу янги қоидадан келажакда экологик ҳаракатнинг янги сиёсий куч сифатида шаклланаётганлигини кузатишимиз мумкин. Ушбу қоида орқали сайлов қонунчилигига ўзига хос янгилик –депутатлик ўринларини квоталаш институти киритилмоқда. Экологик ҳаракатга катта ишонч ва юксак ваколат берилишининг муҳим шарти – глобал муаммо ҳисобланган экология бузилишининг олдини олиш, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашнинг янги ҳуқуқий механизмини жорий этишдан иборат.

Иккинчи, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайлов жараёнидаги иштирокини бекор қилиниши. Агар ривожланган мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратсак, давлатлар мустақиллигининг илк йилларида, жамоат ташкилотлари, хусусан, сиёсий партиялар фаолияти тўлиқ шаклланмасдан давлат ҳокимиятини ташкил этиш, вакиллик органларига ўтказиладиган сайлов жараёнлари бевосита фуқаролар ташаббускор гуруҳлари томонидан ўз номзодларини Президентликка ёки депутатликка кўрсатишлари мумкин бўлган. Улар муайян тараққиётни қўлга киритгач, мавжуд сиёсий партиялар сиёсий майдонда ўз ўрнига ва мавқеига эга бўлгач, сайлов жараёнларида ташаббускор гуруҳларнинг иштироки бекор қилинган. Мамлакатимиздаги тараққиёт, қўлга киритилган ютуқлар, ҳозирги кунгача тўпланган тажриба ҳамда сиёсий партиялар фаолиятининг такомиллашуви сайлов жараёнларида ташаббускор гуруҳларнинг иштирокига зарурият барҳам топганлигини кўрсатмоқда. Ташаббускор гуруҳларнинг аъзолари эндиликда ўз қарашларини муайян партия номидан ифода этадилар ёки ўзлари муносиб деб, топган номзоднинг сайланишини партиядан туриб амалга оширадилар.

Учинчи, сайлов қонунчилигининг такомиллашуви муносабати билан сиёсий партияларга сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги ва Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги қонунларга янги 17-моддалар киритилиши сайлов амалиётида ўзига хос янгилик бўлиб, унга асосан сиёсий партиянинг ваколатли вакили халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ва Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли. Ваколатли вакиллар овозларни санашнинг ҳаққонийлигини назорат қиладилар. Бу янги норма сайловларнинг янада адолатли ўтишини таъминлашга хизмат қилади.

Тўртинчи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига номзодлар ишончли вакилларининг сонини беш нафардан ўн нафарга оширилганлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу сайловолди тарғибот ва ташвиқот ишларининг муваффақиятли кечишини таъминлайди ва ҳар бир номзоднинг имкониятларини, дастур ва ғояларини кенг очиб беришга хизмат қилади. Бундан ташқари, ишончли вакилларда сайлов округининг бутун ҳудуди бўйлаб сайловолди тарғиботи ва ташвиқотини амалга ошириш имконияти пайдо бўлади. Аксарият сайлов округларининг катта ҳудуд ва кўп сонли аҳолини қамраб олишини инобатга олсак, бу ўзгаришлар ижобий натижа бериши табиийдир.

Бешинчи, сиёсий партияларнинг сайловда қатнашиши асосларига бўлган талабларнинг енгиллаштирилиши ҳам ушбу сайловнинг ўзига хос жиҳатидир. Илгари сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин республика Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган бўлиши ҳақидаги муддат эндиликда тўрт ой қилиб белгиланди, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида эллик минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкинлиги ҳақидаги талаб қирқ минг сайловчи имзосига туширилди. Бу сиёсий партиялар учун муайян қулайликни вужудга келтиради.

Олтинчи, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун 27-моддасининг ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонун 25-моддасининг «Сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан...» ташкил қилинишини белгиловчи қоидалар «Сайловчиларнинг йиғилишлари сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда...» ўтказилишини, «Сайловчиларнинг йиғилишлари ўтказиладиган жой ва вақт, қоида тариқасида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб...» олинишини назарда тутувчи норма билан алмаштирилди. Бундай ўзгариш орқали сиёсий партиялар сайловнинг бутун жараёнига янада фаол таъсир кўрсатишлари учун имконият юзага келади, партиялар ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш учун шароит яратилади.

Еттинчи, янги Қонунда сайлов комиссиялари фаолиятининг очиқ-ойдинлигини таъминлашга қаратилган бир қатор нормалар назарда тутилган. Чунончи, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 42-моддасига ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 39-моддасига киритилган янги қоидага мувофиқ участка сайлов комиссиясининг раиси ёки ўринбосари овозларни санаб чиқиш натижалари баённомасини ўқиб эшиттириши ҳамда мазкур баённомани участка сайлов комиссияси биносида ҳамма танишиб чиқиши учун 48 соатдан кам бўлмаган муддатга осиб қўйиши керак. Бу демократия сари ташланган яна бир муҳим қадамдир.

Саккизинчи, қонун орқали айрим тоифадаги фуқароларнинг сайловда иштирок этишига доир бир қатор чекловлар олиб ташланди. Масалан, аввал амалда бўлган қонунга мувофиқ, жиноятнинг ва тайинланган жазонинг қай даражада оғирлигидан қатъи назар, содир этган ҳар қандай жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас эди. Амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартишларга мувофиқ мазкур чекловлар қайта кўриб чиқилди. Эндиликда фақат содир этган оғир ва ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқароларгина депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайди. Ушбу янги норманинг қонунчиликдан ўрин эгаллаши, биринчидан, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи йилдан-йилга такомиллашиб бораётганидан далолат берса, иккинчи томондан, миллий қонунчилик тизимининг халқаро ҳуқуқ нормаларига янада мувофиқлаштирилаётганлигини намоён этади.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда сайлов қонунчилиги ҳозирги модернизация шароитларига ҳамоҳанг тарзда изчиллик билан такомиллашиб бормоқда. Ушбу жараён сайлов тизимининг мукаммаллигини таъминлашга хизмат қилади.

Маълумки, 2009 йил 27 декабрь куни мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар ўтказилади. Сайловларни адолат мезонлари асосида, қонунийлик тамойилларига риоя этган ҳолда ва демократик тарзда ташкил этиш ҳамда ўтказиш барча давлат органлари ва мансабдор шахслар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролардан ўзига хос масъулият талаб этади.

**Шухратбек ЯКУБОВ,**
**юридик фанлар номзоди.**

МАЪРИФАТ ДАРСИ

# МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗ ЖАРАЁНИДА ДАВЛАТНИНГ ЎРНИ

***Глобаллашган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кучайиб, дунё мамлакатларини ўз гирдобига тортмоқда ва бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланиб бормоқда.***

***Жаҳон молиявий инқирозининг сабаблари нима? У туфайли рецессия (ишлаб чиқаришнинг пасайиши ёки иқтисодий ўсишнинг секинлашиши) қанча вақт давом этади? Бу инқироз жаҳон қимматли қоғозлар бозорига қандай таъсир кўрсатади? Жаҳон молиявий инқирози жараёнида давлатнинг ўрни қандай бўлади? Ушбу саволларга тегишли жавоб топиш, нафақат мамлакатимиз, балки дунёнинг барча давлатлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.***

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, инқирознинг таъсири биринчи навбатда халқаро даражада интеграллашган қимматли қоғозлар бозорида (ҚҚБ) яққол намоён бўлмоқда. Чунки, ҚҚБ иқтисодиётда муҳим ижтимоий ҳамда иқтисодий функцияларни бажаради. Яъни, иқтисодиётнинг "барометри" дейиш мумкин. Шу боис ҚҚБ дунё миқёсида оғир ўтаётган кенг кўламли глобал молиявий инқирозни ўзида объектив акс эттирмоқда.

2008 йилда Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланган жаҳон молиявий инқирози бугунги кунга келиб кўлами тобора кенгайиб чуқурлашиб бормоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига баҳо бераётган халқаро эксперт ва мутахассислар бу инқирознинг сабаблари ҳамда авж олиб кетаётганлиги билан боғлиқ прогнозларида жавоблардан кўра кўпроқ муаммоли саволларга дучор келмоқдалар.

Дунё мамлакатларида бўлгани каби жаҳон молиявий инқирози Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини сезиларли даражада кўрсатмоқда. Чунки, Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий- иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Шу сабабли глобал молиявий инқироз ва биринчи навбатда унинг оқибатлари иқтисодиётнинг ривожланиши ва самарадорлик ҳолатларига бевосита таъсир қилди. Дунё бозорида талаб ва нархларнинг кескин тушиб кетиши, харид қувватининг пасайиши натижасида Ўзбекистон экспорт қиладиган қимматбаҳо ва рангли металлар, пахта, нефть маҳсулотлари ҳамда минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларнинг нархи пасайиб кетмоқда. Бундай ҳолат эса хўжалик юритувчи субъектлар ва инвесторларнинг экспортдан оладиган тушумларининг камайишига олиб келмоқда. Шунингдек, уларнинг фойда олишига, ишлаб чиқариш рентабеллигига ҳамда мамлакатимиз макроиқтисодий кўрсаткичларига ва иқтисодиётимизнинг бошқа бир қанча тармоқларига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Давлатимиз глобал инқирознинг оқибатларини, бугунги ва эртанги кутиладиган таъсирини инобатга олган ҳолда ҳар томонлама кенг кўламли лойиҳаларни амалга оширмоқда. Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамасдан, 2009 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиладиган хорижий инвестициялар ҳажми 1 миллиард 800 миллион долларга кўпайиши кутилмоқда, бунинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри инвестициялардир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг қарийб 54 фоизини корхоналар ва аҳоли маблағлари ташкил этади. Бу мамлакатимизда солиқ юкини камайтириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаоллигини рағбатлантириш бўйича олиб борилаётган солиқ сиёсатининг тўғри эканлигидан далолат беради.

Мамлакатимиз иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация қилиш борасида стратегик муҳим лойиҳаларни амалга ошириш, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришда 2006 йилда ташкил этилган, бугунги кунда 3 миллиард 200 миллион АҚШ долларидан ортиқ низом жамғармасига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди фаолиятига катта аҳамият берилмоқда. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асарида қайд этилишича, яқин истиқболда ушбу Фонд активларини беш миллиард долларга етказиш кўзда тутилмоқда. Ўтган икки йил мобайнида ўнлаб йирик саноат ва инфратузилма иншоотларини молиялаштириш учун Фонд томонидан 550 миллион АҚШ долларидан зиёд миқдорда кредитлар ажратилди дейилади. Мамлакатимизда инвестиция дастурларини амалга ошириш натижасида қарийб 250 миллиард сўмлик асосий фондга эга бўлган жами 423 та объект, ишга туширилди.

Давлатимиз томонидан жаҳон иқтисодий инқирози шароитида банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлаш, сифат жиҳатидан яхшилаш ҳамда модернизация қилишга қаратилган иқтисодий сиёсат ҳам изчил амалга оширилмоқда.

Масалан, 2008 йилда "Ўзсаноатқурилишбанк", "Асакабанк", "Пахтабанк", "Ғаллабанк" каби етакчи банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш борасида ҳукуматимиз томонидан муҳим қарорлар қабул қилинди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг кичик




бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялашнинг асосий кредит марказларидан бири ҳисобланган, "Микрокредитбанк"нинг низом жамғармасини кўпайтиришга оид фармони амалий қадамлардан бири бўлди.

Ҳозирги пайтга келиб банкларимизнинг умумий активларининг ҳажми аҳоли ҳамда юридик шахсларнинг ҳисоб рақамларидаги мавжуд маблағларидан икки баробардан ҳам зиёд эканлиги қайд этилади. Бундай ҳолат эса аҳоли маблағларининг тўлиқ ҳимоя қилиш билан бир қаторда, уларга ўз вақтида сифатли хизмат кўрсатишини ҳам кафолатлайди. Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, Юртбошимизнинг мазкур фармонига асосан мамлакатимиз фуқароларининг банклар депозитларидаги омонатлари, миқдоридан қатъи назар, давлат томонидан тўлиқ кафолатланади.

Бозор муносабатларига ўтиш ҳамда иқтисодий инқироз даврида давлат бош ислоҳотчи сифатида иш олиб бориб, иқтисодиётни ва ижтимоий турмушнинг барча соҳаларини ўзгартириш режаларини тузиб, уни изчиллик билан амалга ошириш имкониятларига эга бўлади. Масалан, собиқ Иттифоқнинг парчаланиши натижасида юзага келган мустақил давлатларнинг кўпчилиги, демократиянинг кенг талқин қилинишига, унинг қонуниятларига зид ҳаракатларга йўл қўйилиши натижасида мазкур мамлакатларда давлатнинг ташкилотчилик ролига етарлича эътибор берилмади, шу боис уларда бозор иқтисодиётига ўтиш кўп тартибсизликларни келтириб чиқарди. Мустақил Ўзбекистон бундай йўлдан бормади, иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиб бориш, энг тўғри йўл эканлигини англаб етди.

Давлат ўзининг алоҳида мавқеига кўра, ҳамма даврларда иқтисодий жараёнларга таъсир ўтказиб келган. Айниқса, ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида давлат халқ хўжалиги тармоқларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаши, нарх-наволарни тартибга солиб туриши, солиқ солиш ва қарз беришда маълум табақаларга имтиёзлар яратиш, шунингдек, бевосита ёрдам кўрсатиш йўли билан муҳим тармоқларга мадад бериш дастурларини ҳам ишлаб чиқди.

Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози даврида аҳоли манфаатларини фақат кучли қайта тақсимлаш воситасига эга бўлган давлатгина ҳимоя қилишга қодирдир. Айни пайтда, давлатнинг вазифаси фақат ҳимоя этиш билан чекланиб қолмайди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида давлат ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиши, унинг ташаббускори бўлиши ва ислоҳотларнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда ҳам пешқадам бўлиши керак. Давлат иқтисодий ислоҳотнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда бевосита ўзи иштирок этди. Энг муҳими шундаки, уларни бевосита амалга оширишга қурби етади.

Давлат иқтисодий инқироз шароитида, барча жараёнларнинг марказида туриши билан алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, фақат давлатгина, умуммиллий, иқтисодий манфаатларни мужассам ифодалашга, ҳимоя қилишга ҳамда аҳолининг барча кучларини умум мақсадлар томон йўналтиришга, уларни жипслаштиришга қодир бўлади.

Айни пайтда давлатимиз томонидан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини. Ўзбекистон шароитида олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича қатор дастурлар тасдиқланди, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича аниқ чора- тадбирлар ишлаб чиқилди. Айниқса, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифалари илгари сурилди. Бу эса ўз навбатида, мамлакатимизнинг ташқи ҳамда ички бозорда барқарор мавқега эга бўлиш имкониятларини яратиб берди.

Иқтисодий инқироз даврида давлат барча иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишни ўз қўлига олади. Шу туфайли ҳам давлат иқтисодиётда ўзининг тартибга солиш таъсирини ўтказа олади. Давлат бозор шароитида ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодий инқирозни бартараф этишнинг оптимал йўлларини ишлаб чиқиб, стратегик йўлини белгилаб беради ҳамда тактик қарорлар қабул қилишни ҳар доим ўз зиммасига олади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштириш ҳамда модернизация қилиш унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш соҳасида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат, юртимиз фуқароларини инқироздан ва унинг салбий оқибатларидан тўлиқ ҳимоя қиладиган мустаҳкам, ишончли ҳимоя воситаларини яратади.

Давлатимиз томонидан жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини бартараф этиш ва унинг оқибатларини тугатиш бўйича, 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган жаҳон иқтисодий инқирозига қарши чоралар дастури 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг устувор йўналишлардан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг барча фуқаролари иқтисодий инқирознинг таъсирини бартараф этиш борасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган барча чора-тадбирлар бефарқ бўлмайди ва унинг мазмун- моҳиятини чуқур англаб етади. Инқирозга қарши чоралар дастурида режалаштирилган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш, жаҳон иқтисодий инқирозининг таҳдид ҳамда оқибатларига муносиб қарши туриш ва уларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсир этишининг олдини олади.

Давлатимиз томонидан иқтисодий инқирозга қарши амалга оширилаётган тадбирлар, ислоҳотлар ҳамда модернизация модели, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишга, халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам бундай масъулиятли дамларда халқ давлат сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи кучга айланиши зарур.

**И. ҚЎНҒИРОВ,**
**Тошкент Молия институти доценти.**

ХИЗМАТЛАРДА

# «АЛЛО, ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТИ ЭШИТАДИ...»

***Эгнидаги ички ишлар ходими либоси ўзига ярашиб турган, ҳали у, ҳали бу алоқа воситаси орқали керакли маълумотларни олиб, дафтарга қайд этаётган қизларнинг дадил ҳаракатлари, ҳозиржавоблиги беихтиёр эътиборингизни тортади. Диспетчерлик хизматини соҳанинг юраги, дейишлари бежиз эмас. Кези келганда, вазият юзасидан тезкор қарор қабул қилиш, хизматни ташкил этишда зукколик ва чуқур масъулият талаб этилади. Навоий вилояти ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси марказий диспетчерлик хизмати ходимлари, катта сержант Лола Нарзиева ҳамда сержант Зулхумор Қиличевалар бир неча йилдан буён ана шундай шарафли вазифани адо этиб келишмоқда.***

— Бизнинг хизматда ўта ҳушёр, ҳар бир хабар ва маълумотга эътиборли бўлиш лозим, — деди Зулхумор телефон гўшагини жойига қўяркан ўз фаолияти ҳақида тўхталиб. — Иш смена асосида ташкил этилган. Бир кеча-кундуз давомида ҳамкасбим билан бирга жойлардан маълумотларни қабул қиламиз ва олинган хабар юзасидан дарҳол раҳбариятга ва масъул ходимларга ахборот берилади. Оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда алоқа воситалари орқали вазиятдан хабардор бўлиб, назорат қилиб борамиз. Фаолиятимизни янги техник ва алоқа воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Кўриб турганингиздек, барча шарт-шароитлар яратилган. Бу эса хизматни сифатли ва самарали олиб боришимизга омил бўлмоқда.

Суҳбат давомида соҳа ходимлари томонидан ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари билан қизиқдик.

— Асосан аҳоли турар жойлари, хонадонларда эҳтиётсизлик, ёш болаларнинг шўхлиги, носоз иситиш печларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида фалокат келиб чиқмоқда, — деди катта сержант Л. Нарзиева куюнчаклик билан. — Уй бекаларининг эътиборсизлиги аксарият ҳолларда кўнгилсиз оқибатларга олиб келяпти. Яқинда Навоий шаҳридаги кўп қаватли уйларнинг бирида истиқомат қилувчи Обида исмли аёл газ печи устига бир литр ёғни қуйиб, қаровсиз қолдирганлиги сабабли ёнғин чиққан ва ошхона жиҳозларига зарар етган.

Ёнғинлар аксарият ҳолларда тунда содир бўлади. Шу йил 8 июль куни фуқаро В. Дровосинов спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолда сигарет чекиб ухлаб қолганлиги натижасида фалокат юз берган. Содир бўлган ёнғин туфайли танасининг 80-85 фоизи куйиб, воқеа жойида вафот этган.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят ҳудудида 228 та ёнғин ҳолати қайд этилди. 5 нафар фуқаро вафот этди, 24 нафари турли даражада тан жароҳати олди. Кўпни кўрган кексаларимиз «Олов — тилсиз ёв» ёки «Ўт балосидан асрасин» дея огоҳликка ундашлари бежиз эмас. Зеро, ана шу икки-уч оғиз сўз замирида чуқур ҳаётий ҳақиқат мужассам. Гоҳида озгина эътиборсизлик, бепарволик катта талафотлар, йўқотишларга сабаб бўлиши мумкин.

Йигитларга хос ўктамлик ва шижоат билан хизмат ўтаётган, куч-қуввати, билимини хайрли ишга бахшида этаётган диспетчер қизларга ҳавасингиз келади. Ҳар гал янги тонгни қаршилашар экан, уларнинг кўнглидан «Илоҳим тинчлик, хотиржамлик бўлсин» деган тилак ўтади. Шу эзгу ва улуғ мақсад йўлида куну тун бедор бўлишади.

Тунги соат 2.00. Гўшакни кўтарган диспетчер қизнинг босиқ, аммо ўктам овози қулоққа чалинади:

— Алло, диспетчерлик хизмати эшитади...

**Нигора РАҲИМОВА,**
**майор.**

*Навоий вилояти.*

ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИ

***Наманган вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ва унинг бўлинмалари томонидан айни пайтда 858 та турли тоифадаги халқ хўжалиги масканлари ва 128 та хонадон қўриқланмоқда. Уларнинг 846 таси қўриқлаш ва ёнғин хабаргоҳлари билан жиҳозланган, 750 таси техник қўриқлаш пунктларига уланган, 288 таси эса икки ҳамда ундан ортиқ босқичли қўриқлаш «ташвиш огоҳлари» билан таъминланган.***

# МУЛК ҲИМОЯСИ — ШАРАФ

Таъкидлаш жоизки, ислоҳотлар натижасида соҳа такомиллашиб бормоқда, эски техникалар ўрнига замонавий ускуналар кириб келмоқда. Вилоят ҳудудидаги корхона, ташкилот, муассаса, хусусий шўъба бошлиқлари ҳамда аҳоли ўртасида қўриқлаш тизимининг имкониятлари ва афзалликлари тўғрисида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Натижада жорий йилнинг иккинчи чораги давомида 126 та халқ хўжалиги маскани 58 та алоҳида хоналари билан янгидан қўриқлаш учун қабул қилинди. Ана шу жойлар, шунингдек, 45 та масқандаги эскириб қолган ускуналар ўрнига янги қўриқлаш ва ёнғин хабаргоҳлари ўрнатилиб, техник жиҳатдан мустаҳкамлиги таъминланди. Бундан ташқари, қўриққа олинган хонадонларда ҳам шундай имкониятлар яратилди.

Шахсий таркибнинг билимини ошириш, уларни хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялаш, жанговар ва касбий тайёргарлигини оширишга катта эътибор қаратилаётгани эришилаётган ютуқларда муҳим омил бўлмоқда. Ўтган давр мобайнида қўриқланаётган барча масканларда ўғрилик, ёнғин ёки жиноий тажовузлар содир этилишига йўл қўйилмагани фикримизга далилдир.

2009 йилнинг ўтган даврида ходимларимиз томонидан 1151 нафар фуқаро майда ташмачилик содир этгани учун ушланиб, улардан олган қарийб олти миллион сўмлик моддий-товар бойликлар эгаларига қайтарилди. 1036 нафар шахсга нисбатан тўпланган ҳужжатлар суд идораларига юборилиб, маъмурий чора кўрилди. 23 кишига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан тегишли жазо берилди.

Бўлим ходимлари шунингдек, вилоят ҳудудида жиноятчиликнинг олдини олиш, намунали жамоат тартиби ўрнатиш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш борасида ўтказилаётган тадбирларда фаоллик кўрсатишаяпти. Улар иштирокида 185 та жиноят очилди, битта жиноятнинг олди олинди. Жиноят содир этиб, тергов идораларидан яшириниб юрган етти нафар шахс қўлга олинди.

Фахр билан айтиш мумкинки, бугунги кунда ходимларимиз ўзларига билдирилган ишончни шараф билан оқлашаяпти. Имкониятлар кундан-кунга ошиб, фаолият кўрсатаётган масканларимиз сони кўпайиб бормоқда. Ҳозирда вилоятдаги исталган ташкилот, корхона, муассасалар, хусусий тадбиркорлар ва фуқароларга хизмат кўрсатиш учун барча етарли куч ҳамда воситаларга эгамиз.

**Тоҳиржон НОСИРОВ,**
**майор.**

*Наманган вилояти.*

ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ

# ГУГУРТ ЎЙИНЧОҚ ЭМАС

**Самарқанд тумани Хўжа Ғулом қишлоғида яшовчи, 2001 йилда туғилган Ҳошимжон гугурт ўйнаши оқибатида содир бўлган ёнғинда уйнинг 40 кв.м. шифти, Иштихон тумани Янгировот қишлоғида шу ёшдаги А. Қосимжоннинг шўхлигидан уйнинг 45 кв. м. том қисми, Каттақўрғон тумани Кўктерак қишлоғида яна бир болакай гугурт ўйнаши натижасида хонадоннинг 100 кв.м. томи ёниб, зарар кўрган. Афсуски, бундай мисолларни яна келтириш мумкин.**

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, катталарнинг бепарволиги туфайли болалар гугурт ўйнаб, ёнғин рўй беришига сабаб бўлишяпти. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Самарқанд вилояти ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ва унинг тизимидаги ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ўқув даргоҳлари, спорт мажмуалари ва бошқа жойларда доимий равишда учрашувлар ўтказишмоқда. Шундай тадбирлар бошқарма ташаббуси билан Ургут тумани ИИБ ЁХБ ходимлари жалб этилган ҳолда туман маҳаллаларида ташкил этилди. Мулоқотларда ёш болаларнинг шўхлиги оқибатида рўй бераётган ёнғинлар ва бунинг аянчли оқибатлари ҳақида гап борди. Шунингдек, ёнғин пайтида болаларнинг куйиш тан жароҳати олганлик ҳолатлари акс эттирилган панно ва плакатлар намойиш этилди.

Кексалар ибораси билан айтганда: «Бола бошдан, тарбия ёшдан». Шундай экан, ота-оналаримиз ўз фарзандларига эътиборли бўлишса, уларнинг хатти-ҳаракатларини назорат қилиб боришса, бу каби кўнгилсиз ҳолатларнинг олди олинган бўларди.

**А. ИРГАШЕВ.**

*Самарқанд вилояти.*

ҚИШ ТАЙЁРГАРЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

# МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

Баъзан ёнғин ўчириш машиналарининг таҳликали овози юракка ваҳима солади. Беихтиёр кўнгилдан «Яратганнинг ўзи ўт балосидан асрасин» деган унсиз бир илтижо отилиб чиқади.

Ҳозирги кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш даврида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари зиммасига катта масъулият юкланган. Чунки фуқаролар қиш даврида уйни иситиш мақсадида турли носоз электр ва газ плиталаридан фойдаланадилар. Табиийки, бу ёнғин содир бўлишига олиб келади. Таҳлиллар кейинги пайтда қайд этилаётган ёнғинларнинг аксарияти ёш болалар қаровсиз қолиши натижасида юзага келаётганини кўрсатмоқда. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, шу йилнинг август ойида Қарши шаҳрида 126 та ёнғин рўй берганини кўрамиз. Улар туфайли кўрилган моддий зарар миқдори 26 млн. сўмдан ортиқни ташкил қилган. Ёнғинларда 25 нафар киши турли даражада тан жароҳати олган, бир фуқаро ҳалок бўлган, тўртта техника шикастланган.

Ана шундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида Қарши шаҳар ИИБ ЁХБ ходимлари аҳоли яшаш жойлари, халқ хўжалиги масканлари, ўқув ва тиббиёт муассасаларида тарғибот-ташвиқот ишларини уюшқоқлик билан олиб боришаяпти. Мавсумга тайёргарлик қандай кечаётганини биргина халқ таълими бўлимига қарашли мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари мисолида олиб кўрадиган бўлсак айримларида ёнғин хавфсизлигига қарши электр симларнинг ҳимоя қобиғи лаборатория синовидан ўтказилмагани, ёритиш чироқлари махсус плофанлар билан жиҳозланмагани, том ёғоч конструкцияларга қийин ёнувчи суюқлик билан ишлов берилмагани, ўт ўчириш қалқони билан тўлиқ жиҳозланмагани, ёнғин хавфсизлиги бурчаги ташкил этилмагани, эвакуация чизмаси режаси тайёрланмай, ёнғин хавфсизлигига жавобгар шахс тайинланмагани, печ мўрилари тозаланмагани ва бошқа камчиликлар борлиги аён бўлди. Уларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Ёнғин шундай офатки, хўлу қуруқ баробар ёнади. У аввало йиғилган мол-мулкка, сўнгра ўзимизга тажовуз қилади. Ёнғин инсонга қанчалар кулфат келтиришини барчамиз яхши биламиз. Ҳар йили мамлакатимизда кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари эрта бошланади. Бундай тадбирнинг ўтказиб турилиши яхши, албатта. Чунки биз ўз ҳаётимиз учун ўзимиз жавобгар эканлигимизни ҳам баъзида унутиб қўямиз. Гоҳида хавфли эканлигини била туриб қўлбола печдан фойдаланишимизни инкор этиб бўлмайди. Газни эса ёқилган ҳолда қолдирамиз. Ана шу лоқайдлигимиз, эътиборсизлигимиз бир кун келиб ўзимизга қимматга тушиши мумкин.

Ёнғин каттами, кичикми, барибир кулфат! Изғиринли кунларга жиддий тайёргарлик кўриш мавсум талафотсиз ўтишида муҳим аҳамият касб этади. Шуни асло унутмаслигимиз лозим.

**Бахтиёр СУЮНОВ,**
**Қарши шаҳар ИИБ ЁХБ бошлиғи, майор.**

**Афтондил ИСМОИЛОВ.**

ФАХР

# СОВРИНДОРЛАР САФИДА — ДИНАМОЧИЛАР

> *Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди.*
>
> **И. КАРИМОВ.**

Спорт — дини, миллати, ирқи, жинсидан қатъи назар, элни жипслаштирувчи, якдил қилувчи омил. Жамиятда фуқаролараро тотувлик, ички барқарорликни мустаҳкамловчи, соғлом турмуш тарзини таъминловчи қудратли куч, энг муҳими — эл-юрт келажаги бўлган фарзандларнинг баркамол бўлиб вояга етишларида асосий восита ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Айниқса, мамлакатимиз спортчиларининг Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва қитъанинг нуфузли мусобақаларида ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олаётгани барча юртдошларимиз қалбини фахр-ифтихорга тўлдирмоқда, Ватанимиз шарафи янада юксалмоқда. Италиянинг Милан шаҳрида бокс бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари битта олтин, битта кумуш, иккита бронза медални қўлга киритиб, 133 мамлакат орасида умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллашди.

Мазкур халқаро мусобақада Аббос Атоев олтин, Элшод Расулов кумуш медаль соҳиби бўлишди. Республика «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти аъзолари Баҳодир Султонов ва Ботир Маҳмудовлар эса 57 ҳамда 69 килограмм вазн тоифаларида бронза медалини қўлга киритишди.

Бугунги куннинг ҳушёр ҳар бир кишиси дунёдаги жамики тинчликсевар мамлакатларда спортни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилганига гувоҳ булади. Юртимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни кенг миқёсда ривожлантириш, унинг оммавийлигини таъминлаш устувор масалалардан бирига айландики, бугунги кунда мазкур соҳага берилаётган юксак эътибор туфайли, ватанимиз спортчилари нафақат халқаро майдонга чиқдилар, балки ажойиб муваффақиятлари билан жаҳон аҳлини лол қолдирмоқдалар.

Милан шаҳрида ўтказилган бокс бўйича жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, халқаро майдонда мамлакатимиз шавкатини юксалтириб, обрў-эътиборини ошириш, ўзбек бокс мактаби анъаналарини давом эттиришга қўшган улкан ҳиссаси учун бокс бўйича терма жамоа аъзолари ва мураббийларига Ватанимизнинг юксак мукофотлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси — «Нексия» ва «Матиз» автомобиллари топширилди.

Баҳодир Султонов «Дўстлик» ордени, Ботир Маҳмудов эса «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони билан тақдирланди. Динамочиларимизга Президент совғаси — «Матиз» автомобиллари топширилди.



**Баҳодир Султонов** 1985 йил 15 январда Андижон вилоятида туғилган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи. Халқаро тоифадаги спорт устаси. Баҳодир ўн икки ёшидан бошлаб Алишер Абдуллаевдан бокс сирларини ўрганмоқда. Ўсмирлар ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони. 2003 йилда Таиландда бўлиб ўтган жаҳон биринчилиги мусобақасида бронза медалини қўлга киритган. Ҳиндистонда ўтган Афро-Осиё ўйинлари ғолиби. 2004 йилда Осиё чемпионатида ғалаба қозонган ва Афина Олимпиадасида ҳам учинчи ўринни эгаллаган. Шунингдек, у 2006 йилги Осиё ўйинлари ғолиби.

**Ботир Маҳмудов** 1990 йилда Андижон вилоятида таваллуд топган. 2006 йилда Вьетнамда ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаган. 2008 йили Мексикада ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олган.

Ғолиб спортчиларимиз — республика «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти аъзолари Б. Султонов ва Б. Маҳмудовларни қўлга киритган ютуқлари билан табриклаймиз.

**Ф. АЗИЗОВ.**

**Суратда:** *динамочилар мураббийлари билан бирга.*

ДЗЮДО

## «ОРЗУИМ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БЎЛИШ»

**Бугунги кунда ҳарбийларимиз нафақат юрт ҳимоясидаги эзгу ишлари, балки спортдаги муваффақиятлари билан ҳам истиқлолимизни мустаҳкамлаб, Ватанимиз довруғини дунё узра таратмоқдалар.**

ИИВ Қоровул қўшинлари сафида шартнома асосида хизмат қилиб келаётган ҳарбий хизматчи, кичик сержант Дилшод Чориев ана шундайлардан биридир.

Дилшод 2004 йилда Осиё чемпио-



ни, дзюдо бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, 2006 йилда Чирчиқ шаҳрида ўтказилган иккинчи Умумармия ўйинлари чемпионлигини қўлга киритиб, олтин медаль соҳиби бўлди. 2009 йил апрель ойида Чирчиқ шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган мусобақада қатнашиб 90 кг. гача бўлган вазн тоифасида барча рақибларини мағлуб этиб Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Жорий йилнинг 23-25 май кунлари Хитойда ўтказилган Осиё чемпионлиги мусобақасида иштирок этган Ўзбекистон терма жамоасига кумуш медаль тақдим этди.

— Бу йил мен учун жуда ҳам омадли келди, десам муболаға бўлмайди, — дейди Дилшод. — Чунки ўтказилаётган барча мусобақаларда фахрли ўринлар насиб этмоқда. Қўлга киритилган ютуқлар албатта, ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бунинг учун қилинган тинимсиз меҳнат, қолаверса, тажрибали устозлардан олган пухта билим самара бермоқда. Яқинда Голландиянинг Амстердам шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этган Дилшод ўз вазни тоифасида Испания, Япония, Швеция ва Россиядан ташриф буюрган энг кучли полвонлар билан беллашиб ва бронза медалини қўлга киритди.

— Орзуим дзюдо кураши бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритиб, юртимиз байроғини янада баланд кўтариш, — дейди у. — Ҳозирда устозим С. Муродасилов билан кейинги мусобақаларга пухта тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Дилшод Чориевнинг орзулари бисёр. Энг муҳими, унда аниқ мақсад сари интилиш бор. Қаҳрамонимизга бундан кейинги мусобақаларида ҳам зафарлар тилаб қоламиз.

**Б. ЛУТФУЛЛАЕВ,**
**катта сержант.**

ЖАРАЁН

## МАҲКУМЛАРГА ЗИЁ УЛАШИБ

Тошкент вилояти ИИБ ЖИЭБ муассасасида жазони ижро этаётганлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди. Шахмат, шашка, стол тенниси, футбол бўйича туркумлараро мусобасиз мусобақаларда ғолиблар аниқланиб, эсдалик совғалар топширилди. Жумладан, футбол бўйича бўлиб ўтган беллашувларда туркум маҳкумлари ғолибликни қўлга киритган бўлса, шахмат бўйича Журабек Қўшбоқов, шашка бўйича Собир Ниёшонов, стол тенниси бўйича Муслим Аҳмедов биринчи ўринни эгаллади. Мусобақа кўтаринки руҳда, хуш кайфият билан ўтди.

Умуман, муассасамизда маҳкумларнинг маънавий дунёсини бойитиш, маърифий жиҳатдан юксалтиришга ёрдам беришга алоҳида эътибор қаратилади. Икки мингдан зиёд бадиий, ҳуқуқий, сиёсий адабиётларга эга бўлган кутубхона, маънавият ва маърифат хонаси маҳкумлар ихтиёрида. Улар бу ерда ўз қизиқишларига қараб турли бадиий ва ижтимоий адабиётларни мутолаа қилишлари мумкин. Бу эса ўз навбатида муассасада жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар ўртасидаги тартиб-интизом, ўзаро самимий ва маънавиятли муносабатни шакллантиришда катта аҳамият касб этаётганлигини таъкидлаш лозим.

Дарҳақиқат, ҳаёт бир текис давом этмайди. Хато ёки эҳтиётсизлик туфайли бугун жазо муддатини ўтаётган юртдошларимиз эртага жамиятимизга тўлақонли фойдали, ҳеч қандай маънавий йўқотишларсиз қўшилса, бу бизнинг катта ютуғимиз бўлади. Бунинг учун эса бор билим ва куч-ғайратимизни аямаслигимиз лозим.

**Абдукарим САЛИМОВ,**
**капитан.**

*Тошкент вилояти.*

БОКС

## КАТТА КЛИЧКО ҒАЛАБАСИ



**Украиналик супер оғир вазнли чарм қўлқоп устаси Виталий Кличко профессионал рингдаги зафарли юришини давом эттирмоқда. Лос-Анжелесдаги Staples Centre аренасида ўтказилган жангда украиналик боксчи америкалик Крис Арреолага қарши рингга чиқиб, рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади.**

Ўттиз саккиз ёшли Виталий Кличко рақиби ўзидан анча ёш бўлишига қарамай ҳар тарафлама устун эканлигини намойиш этди. Дастлабки раундлаёқ ташаббусни ўз қўлига олган Виталий бир неча зарбалари билан рақибини шошириб қўйди. Иккинчи раундда Арреола ҳужумга ташланди. Бироқ унинг зарбалари ноаниқ бўлди. Еттинчи раунддан бошлаб украиналик боксчи аниқ ҳаракатлари билан устунликка эриша бошлади. Унинг кучли зарбалари натижасида Арреола мувозанатини йўқотиб, йиқилишига сал қолди. Ўнинчи раундда эса катта Кличконинг берган кетма-кет зарбалари натижасида ўйин тўхтатилди.

Шу тариқа Виталий Кличко техник нокаут билан ғалаба қозониб, WBC йўналиши бўйича чемпионлик камарини ўзида сақлаб қолди.

**А. КУРБОНМУРОДОВ.**



*Куз манзараси*

**Абу КЕНЖАЕВ сурат-лавҳаси.**

# БУ АЖИБ ДУНЁ

## ҚАДИМИЙ ДОРИШУНОСЛАР

Аҳоли сони жиҳатидан дунёда биринчи ўринда турувчи Хитой давлати ўз табиб ва доришунослари билан ҳам машҳурдир. 1995 йилда уларнинг сони 418 минг нафарга етганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Хитойликлар халқ табобатига кучли ихлос қўйган ва уларнинг бу борадаги тажрибалари 2000 йилдан ошиб кетган.

## 6,15 МЕТРЛИ ТИРНОҚ

Ҳиндистоннинг Пуна шаҳрида яшовчи Шридкар Чилолнинг тирноқлари дунёда энг узун тирноқ ҳисобланади. «Гиннеснинг рекордлар китоби» номли телешоуда унинг чап қўлидаги тирноқлари ўлчаб кўрилганда, узунлиги 6,15 метрни ташкил қилган.

## ЭНГ... ЭНГ... ЭНГ...

**Ер юзидаги энг баланд бўйли киши Габриел Мондлане 45 ёшида Мапуту шаҳрида вафот этган. Бўйи 2 метру 72,5 сантиметр бўлган.**

Ҳиндистонлик эр-хотин Кулкарлар жаҳонда энг баланд бўйли оилалардан ҳисобланади. Оила бошлиғининг бўйи 238 сантиметр бўлса, турмуш ўртоғининг бўйи 208 сантиметрдир.

**Ульяна Семёнова Ригада яшайди. У энг узун бўйли аёл – 2 метру 10 сантиметр бўлган.**

Москва остонаси шаҳридаги Переделкинонинг номи «Рекордлар китоби»га киритилган. Сабаби, энг кўп ёзувчилар шу ерда яшаркан.

**Швейцариянинг Боден кўли яқинидаги Линдай деган шаҳарчада дунёдаги энг ёш оила яшайди. Улар Бланка ва Оливер Гралолардир. Бланканинг ёши 18 да, Оливер эса 20 да. Уларнинг 4 нафар: 6 ёшли эгизаклар – Стефания ва Ивона, 3 ёшли Оливер ва бир яшар Женифер исмли фарзандлари бор.**

«Касио» фирмаси энг митти ва энг енгил «Си-Ви-1» номли телевизорни яратди. Унинг баландлиги 9,1 см, эни 6 см, қалинлиги 2,4 см бўлиб, оғирлиги атиги 170 грамм холос. Кўриниши сигарет қутисидек келади.

**Япония ер юзидаги энг видеолашган мамлакатдир. Ҳар юз оилага 116 та видеомагнитофон тўғри келади.**

Данияда маҳаллий новвойларнинг шогирдлари энг катта – 3,87 метрли батон ёпишди.

**Маълумотларга қараганда, Мехико дунёдаги энг йирик шаҳар деб тан олинган. Аҳолиси 20,2 миллион кишидан иборат.**

БИЛАСИЗМИ?

# НОТАЛАР ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

Мусиқа – бу барча инсонларни ўзига мафтун этган илоҳий қудрат маҳсулидир. Бу дунёда уни севмайдиган инсон топилмаса керак. Кўнгилларни сел қилиб юборадиган «Муножот», «Шашмақом», «Сувора» каби қалбларни ларзага соладиган бошқа гўзал оҳанглар мусиқа дурдоналарининг бизгача етиб келишида аввалambор, ноталарнинг ва ундан сўнг мусиқа асбобларининг аҳамияти жуда каттадир. Умуман куйларни ўқиш воситаси бўлган ноталарнинг қандай вужудга келганлиги сизни қизиқтириши табиий, албатта.

Бизга маълумки, узоқ вақтлар давомида мусиқа ёзиб борилмаган. Оғзаки равишда куйланиб, оғиздан-оғизга ўтиб юрган.

Ҳозирги кунда Ғарбда қабул қилиниб, фойдаланиб келинаётган ноталар тизими узоқ асрлар давомида шаклланиб, шу кўринишга келгандир. Бу ноталар IX асрнинг охирларидан то 1700 йилларнинг бошларига қадар яратилган. Нота илк бора Рим католик черковининг жомеъ ва монастирларида вужудга келган. Кейинчалик дуолар ва муножотлар устига нуқталар, тирноқчали белгилар қўйила бошланган. Улар куй йўналишини кўрсатган.

Милодий 900-йилга келиб эса белгилар сатҳи ётиқ чизиқчаларда муайян баландлигига кўра «фа» нотасининг товушини билдирар эди. Дастлабки ноталар мажмуи Гвидо д'Прецдо томонидан яратилган. У тўрт чизиқдан иборат бўлган. Бу эса нота давомийлигини кўрсатган. Кейинчалик ноталарнинг давомийлигига қараб, айримларига илмоқчалар ва таёқчалар қўшилди. 1600 йилларда ноталар думалоқ шаклга келтирилди ва улар ҳозирги кўринишга эга бўлди.

**Гули Нигор тайёрлади.**

АЖАБО

## ГУЛ БЎЛГАН ВА КУЛ БЎЛГАН УМР

Бир одам эллик йил давомида одамлар учун фойдаси тегадиган том-том китобларни ўрганиб чиқиб, маълумотлар тўплаб атиги тўрттагина китоб ёзиб қолдирди. Уларни ўқиганлар китобларни куни билан қўлдан қўймас, кечалари ёстиғининг остига қўйиб ухлашарди. Сўнгра китоб жавонида ардоқлаб сақлашарди. Улар бир инсоннинг ўтган умридан нишона бўлиб, уйни ҳам гулдай безаб турарди.

Яна бир одам эллик йил давомида одамларнинг ортидан юмалоқ хат ёзди. Иғво хати учун асос бўлади, деб том-том қоғозлар йиғди. Улар текширувчининг ҳам, текширилувчининг ҳам асабини эговлади. Ниҳоят текширувчилар уларнинг ҳаммасини пучга чиқариб, «Барчаси асоссиз, иғво хатлари" деган хулоса ёзишди. Сақланиш муддати ўтгач, уларни бир қопга солганида бир юмалоқ ёстиқдай бўлди. Кўчага чиқариб ёқиб юборишди. Бир инсоннинг умр бўйи топганлари ёниб кул бўлди.

## КИМ ҒИЙБАТЧИ?

Дам олиш куни эди. Кўп қаватли уйда яшайдиган бир киши аёли билан суҳбатлашиб ўтирарди. Юқори қаватдаги бир қўшни хотин эри билан бирга пастга қараб, деди:

– Вой, анави эр-хотинни қаранг, ўтган-кетганнинг орқасидан гапириб ўтиришибди, ғийбатчилар!

Шунда пастдаги аёл тепага ишора қилиб, хўжайинига деди:

– Хўжайин ана у эр-хотинни қаранг, бизнинг суҳбатлашиб ўтирганимизни кўролмай гап қилишаяпти, ғийбатчилар!

## ЭГАСИГА АЙТИЛГАН СЎЗ

Тун. Соат миллари 24 га қараб шошаяпти. Кўчадаги машиналар ҳаракати ҳам анча сийраклашиб қолган. Хушторини кутаётган аёл тез-тез телефонига қараб қўяди. Аммо қўнғироқдан садо йўқ. Сиқилиб кетганидан яна бир рюмкани ичди-ю, газакни олаётиб, "Ифлос, ёлғончи", деди. "Бугун ҳам бораман, асалим!", деб яна алдади. Хотинидан чўчиди чоғи. "Боролмайман, хотинимдан қўрқаман," деса-ку, фалончи акамни чақирган бўлардим. У шундай деди-ю бирдан хаёллари яна тўзғиб кетди.

– Хаҳ, у ҳам шундан қолишмайди. Ўтган сафар "Хотиним чақираяпти", деб дарров кетиб қолганди. Писмадончи акам-чи... У хаёлига келган уйдан қувониб кетди. Ахир у хотинимни онасиникига жўнатаман деганди-я.

Шу фикрида у писмадончи акасининг уяли телефонига қўнғироқ қилди. «Хизмат доирасидан ташқарида», деган жавобни эшитгач, «ҳойнаҳой уйида бўлса керак», дея уйига сим қоқди. Гўшакни аёл киши кўтарди. "Эшитаман "деди аёл киши тавозе билан.

Бу эса бир оғиз кечирасиз, деган сўзни ҳам насия қилиб, телефонни ўчириб, диванга отиб юборди ва оғзидан, "Ифлос!!!" деган сўз отилиб чиқди. Бу сўз айнан эгасини топгани учунми уни ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмади.

## МЕН СЕНДАН КАММАНМИ?..

– Вой бу-уй, анави Осмонбойни қаранг, ияги томнинг шифтига тегадия, – деди Достоной хола шеригига ёнидан ўтиб кетган қўшнисини кўрсатиб. Салом-аликни ҳам билмайди-я, бу бефаросат.

– Буларга салом берганинг билан алик олишни ҳам билмайди-ю, яна ўзларини мунча осмон чоғламаса бу бефаросатлар, – деди Осмонбой ака улардан узоқлашиб.

**Шуҳрат РЎЗИЕВ.**

# ГИНА

*ҳажвия*

**Шу-у-у, одамларга ҳам ҳайронсан. Бошлиқнинг бирор шахсий илтимосини бажардингми, дарров сени лаганбардорга чиқаришади-қўйишади. Мана, каминаи камтаринни ҳам ана шу тоифадагиларга қўшишибди. Нима, директоримиз Теша Болтаевичнинг сигирини суғорсам, ўз томорқамдан қўйларига беда ўриб келтириб берсам, ходимларимиз орасидаги "миш-миш"ларни оқизмай-томизмай ўз вақтида етказиб турсам, бунинг нимаси ёмон?!**

**Ҳа, айтганча, куни кеча ўзлари ҳузурларига чақириб: "Келинойингиз ҳисоб-китобга нўноқроқ, бирга бориб бозор қилиб келмасангиз бўлмайди," деб қолдилар. Нима дейман, ёзиб ўтирган ҳисоб-китобимни ёнгинамдаги Қўзибойга қолдириб, бозорга чопдим. Сўнгра келинойимни дўконма-дўкон олиб юриб, асил молларни танлашларига ёрдамлашдим. Йўл-йўлакай жиянларимга музқаймоқ олиб, тўғри уйларига келдик. Чуғурчуқларнинг ҳам кўнглини олган яхшида. Қарасакки, меҳмонлар келиб қолибди. Теша Болтаевич роса бизни кутиб ўтирган эканлар. Хуллас, ярим тунгача меҳмонларга хизмат қилдим.**

**Эртаси тонг отиши билан эса сигиримизнинг ойим соғган «свежий» сутини олдим-у, Теша Болтаевичникига ташлаб, ишхонамга келдим. Хўш, бунинг нимаси лаганбардорлик? Ахир, Теша Болтаевич ҳам ўзларининг бошлиқларига у-бу нарсалардан олиб бориб турадилар-ку. Мана, куни кеча хўжайиннинг номидан ўша каттаконимизникига икки қоп девзира гуруч, яна шунча ун, йигирма литр ёғ ҳамда янги чиққан ҳандалакдан бир қоп ташлаб келдим. Теша Болтаевич хўжайинларини азбаройи ҳурмат қилганларидан у-бу нарса илиниб турадиларда. Буни тушунмасдан, билмасдан туриб лаганбардорлик дейиш яхши эмас.**

**Сизга айтсам, ҳар ким ҳам бошлиқнинг назарига тушавермайди. Бундай бахт фақат менга насиб қилган экан, бундан ҳечам ичингиз куймасин, хўпми?!**

**Мана, ҳозиргина Теша Болтаевич қўнғироқ қилиб, тўлғоқ тутган қизини туғруқхонага олиб боришимни айтгандилар. Тезроқ қийналибгина ётган синглимнинг ёнига бормасам бўлмайди. Тағин... А, лаббай, «Ҳисоб-китоб нима бўлади?» дейсизми? Қўзибой бор-ку, ўзи бир амаллаб туради. Хўп, мен кетдим. Тағин орқамдан лаганбардор, деб гапириб юрманглар. Хафа бўламан-а!**

**Худойберган ЖАББОРОВ.**
*Хоразм вилояти.*

ISSN 2010-5355

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

MUASSIS: **O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

Bosh muharrir **Zikrillo NE'MATOV**

Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Umida BOLLIYEVA**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88; **Faks:** 232-05-51.
**E-mail:** urmvd@inbox.uz

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.
Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-8189. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 57496 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

**MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.**